Mustaqil gazeta

HURRIYAT

O`zingni angla!

Газетамизга
2009 йил учун
обуна
давом этмоқда.
Муштарийларимиз сафида бўлинг!
Нашр
кўрсаткичи — 233.

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan * Chorshanba kunlari chiqadi * **2008-yil 3-dekabr, №49-50 (604)** * E-mail: hurriyat@mail.ru * http://**www.hurriyat.uz**

МАТБУОТИМИЗ РАВНАҚИ:

КИМ ҚАНДАЙ ФИКРДА?

Танқидий мақола газетамизнинг деярли ҳар бир сонида бор. Президентимиз фармонлари, ҳукуматимиз қарорлари жойларда қандай бажарилаётганининг таҳлили, бозор иқтисодиётига ўтиш даври имкониятларидан нотўғри фойдаланиш, ижтимоий муаммолар кўпроқ эътиборимизда.

➪ 4-бет

"СИЗ ЎША РОНАЛДОМИ?"

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, нима учун Бразилияда истеъдодли футболчилар кўп? Улар қандай қилиб бу муваффақиятга эришди? Шуниси аниққи, энди уларни ҳеч ким ҳали-бери бу чўққидан тушира олмаса керак.

➪ 14-бет

ФАРЗАНДИНГИЗГА ЭРТАК АЙТИНГ

Болангиз учун шахсий компьютер совға қилаётгандирсиз, чет тилларни ўрганиши учун имконият яратаётгандирсиз, "бировдан кам бўлмасин" деб уяли телефон олиб беришни ҳам ўйлаб қўйгандирсиз, лекин...

➪ 16-бет

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

ҚУРБОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Қурбон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, миллий-диний қадриятларимизни сақлаш ва улуғлаш, фуқароларнинг ҳамжиҳатлиги ва меҳр-оқибатини мустаҳкамлаш, ёш авлоднинг руҳий ва маънавий оламини бойитиш, уларнинг қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини янада юксалтириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Диний байрам — Қурбон ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш ҳақида"ги 1991 йил 20 июндаги ПФ-221-сон Фармонига мувофиқ:

1. 2008 йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 8 декабрга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идораси мурожаати инобатга олинсин ҳамда мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа барча мутасадди давлат ва жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига байрам тадбирларини кенг ёритиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2008 йил 1 декабрь

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

■ **Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 28 ноябрь куни тасдиқланган "Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди.**

■ Мамлакатимиз Президенти жорий йил 28 ноябрда "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига имзо чекди.

■ **"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ҳамда "Микрокредитбанк" АТБ ҳамкорлигида "Ёш тадбиркор — элга мададкор" лойиҳаси ўтказилди. Ушбу лойиҳа мамлакатимиздаги ёш тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ўз бизнесини бошлашига кўмаклашиш мақсадида ташкил қилинган. Танловнинг республика босқичи якунланиб, унда иштирок этган 75 нафар ёш тадбиркорнинг 28 нафари ғолиб сифатида эътироф этилди.**



8 ДЕКАБРЬ — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

Инсон ҳуқуқларининг ишончли ҳимояси

Истиқлолимизнинг дастлабки йиллариданоқ инсон ҳуқуқларига доир ислоҳотларнинг амалга оширилиши, чунончи, "Инсон манфаатлари йили", "Соғлом авлод йили", "Оила йили", "Сиҳат-саломатлик йили", "Ижтимоий ҳимоя йили", "Ёшлар йили " сингари давлат миқёсидаги йирик ижтимоий дастурларнинг ҳаётга татбиқ этилиши баробарида мамлакатимизда инсоннинг, авало, болалар, аёллар, ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг ҳар томонлама камол топиши учун зарурий чора-тадбирлар, шарт-шароитлар яратиш кўзда тутилган. Бундан ташқари мамлакатни демократлаштириш ва модернизациялашга оид туб ҳуқуқий ислоҳотлар, шунингдек, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, судларнинг ихтисослаштирилиши, суд ишларини қўришда апелляция ва кассация инстанцияларини жорий этилиши, ярашув институти, ўлим жазосининг бекор қилиниши, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши каби инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш йўлидаги муҳим омиллар ҳам бу борада ўз ижобий самарасини кўрсатмоқда.

Хусусан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси мамлакатимиз давлат мустақиллигига эришганидан кейин қўшилган биринчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда.)

ТАДБИР

Солиқ саводхонлиги болаликдан бошланса...

"Ҳақиқатнинг тили соддадир", деган эди алломалардан бири. Чиндан ҳам оддий халқ тушуна оладиган фикргина ҳақ гап саналади. Халқ тилидан узоқда бўлган ҳар қандай юксак даражадаги фикрнинг ҳам ишончга сазовор бўлиши қийин. Шу маънода қонун ва қонуности ҳужжатларнинг кенг жамоатчилик томонидан англаб етилиши учун улар асосидаги таҳлилий мақолалар ва шарҳларнинг зарурати катта эканлиги сир эмас. Айниқса, ёш авлоднинг бу жараёндан доимий хабардор бўлиши алоҳида аҳамият касб этади.

Яқинда Давлат солиқ қўмитаси ҳомийлигида илк бор 7-8 ёшли ўқувчилар учун мўлжалланган соҳага доир билимлар сода ва равон тилда баён этилган китоб чоп этилди. Таниқли болалар ёзувчиси Анвар Обиджон қаламига мансуб "Солиқ нима?" номли ушбу тўпламда бобо ва набира суҳбати воситасида солиқлар тарихидан тортиб, унинг бугунги кундаги аҳамияти ва вазифалари атрофлича баён этилган. Бу эса китобнинг нафақат болалар, балки катталар учун ҳам керакли маълумотлар ёдда қоларли тарзда ифодаланган қўлланма сифатида қадрланилишига сабаб бўлиши аён.

Солиқ қонунчилигини ўқувчи-ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш учун ўтказилаётган кўрик-танловларнинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Шу боис "Солиқ билимлари — болаларга" номли танлов лойиҳаси ишлаб чиқилаётгани ва яқинда бутун юртимиз бўйлаб ушбу беллашув байрам руҳида ўтказилишини ҳам таъкидлаб ўтмоқ лозим.

Умуман, Давлат солиқ қўмитаси томонидан қилинаётган бундай хайрли ишлар ёшларнинг тўланаётган солиқлар замирида инсон манфаати турганлигини тўла ҳис қилишлари учун кўмак бериши шубҳасиз. Айни шундай тадбирларга бошқа ташкилотлар ҳам қўл уришса ёш авлоднинг ўзи яшаётган жамият тўғрисидаги ҳаққоний қарашлари шаклланиши йўлида янада ижобий ўзгаришлар содир бўлар эди.

Ситора ТОЖИДДИНОВА,
"Ниггіат" мухбири.

Газета «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам тарқатилади.

БЕҲАЗИЛ

Обуна бўлиш... асабни асрайди!

Ростини айтганда, ҳозир газеталар баҳорги замбуруғдек кўпайиб кетди. Албатта, республикамизнинг нуфузли газеталари, вилоят, шаҳар ва туман рўзномаларининг ўрни бўлак. Аммо... қанчадан-қанча олдиқочди хусусий нашрларни айтмайсизми?

Мисол учун, матбуот дўконига бориб, бирор жарангдорроқ сўз айтингда, "ана шу газета борми?" десангиз, дарров қўлингизга чиройли муқовадаги шу номдаги газетани тутқазишлари ҳам ҳеч гап эмас. Лекин уларнинг савияси... Ҳа, бу ҳақда куюниб гапирмасдан илож йўқ. Лекин ишонч билан айта оламанки, бу борада мамлакатимизда "Hurriyat"нинг ўрни алоҳида. Бу газета мен учун нондек азиз, энг яқин сирдошимдек қадрли бўлиб қолган, десам муболаға бўлмайди. Уйимдаги уч йиллик газета тахламларини бўш вақтимда қайта-қайта ўқийман. Аввалгиларини янги сонлари билан солиштириб тураман. Қанча такрор мутолаа қилсам яна нималарнидир англагандай бўламан.

Баъзида у билан боғлиқ қизиқ воқеалар ҳам бўлиб туради. Мана, яқинда Самарқанд қишлоқ хўжалик институти яқинидаги матбуот дўкони ёнида икки киши тортишаётганига гувоҳ бўлдим. Билсам, бунинг сабабчиси — "Hurriyat" экан. Ҳа, мен севиб ўқийдиган газета боис сал бўлмаса жанжал чиқаёзибди. Нега дейсизми? Хуллас, бояги икки киши матбуот дўконида қолган бир дона "Hurriyat"ни талашиб қолишибди. Шу пайт, томошталаб бир киши: "Нима бало, оддий бир газетни деб шунчаликка боришадими, мен бирор камёб матоҳми деб ўйлабман", дея шаъма қилди. Унга "Э, бородар, гап фақат "камёб матода"ми, бу дунёда маънавият деган гаплар ҳам бор", — дегим келди-ю, бекорга асабимни кетказмай дедим. Чунки матбуотнинг қадрини билмайдиган одамга гап уқтиришнинг фойдаси йўқ. Бориб, сал аввал сотиб олган газетамни талашаётганлардан бирига бердим. У раҳмат айтиб чўнтагини кавлади. "Қўйинг, сиз "Hurriyat"нинг ашаддий мухлиси экансиз, мендан сизга совға бўла қолсин", дедим.

Эртасига эса туман почта бўлимига бориб келгуси йил учун обуна бўлдим. Энди қадрдон нашримни матбуот дўконларидан қидириб юрмайман. Ўйлайманки, юртдошларимиз ҳам мендан ўрнак олишса, нур устига аъло нур бўлар эди. Тўғри, газетанинг ҳар бир сонини матбуот дўконидан сотиб олиб ҳам ўқиш мумкин. Аммо севимли нашрингизга обуна бўлсангиз, қанча вақтингиз тежалади.

Қолаверса, юқоридаги каби ортиқча дилхираликлар, газета қидириш каби сарсонгарчиликларга ҳам ўрин қолмайди. Газета ўз "оёғ"и билан уйингизга ёки ишхонангизга келиб турганига нима етсин!

Ҳошим ОРЗИҚУЛОВ
Самарқанд.

ТАҲРИРИЯТДАН: *самарқандлик муштарийимизнинг ушбу мактуби билан танишиб хушнуд бўлсак-да, очиғи, газета дўконидаги "воқеа"га унча ишонқирамадик. Аммо газетамизни мунтазам ўқиб борадиган, у билан доим ошно муштарийларимиз борлигига ҳам асло шубҳа қилмаймиз. Нима бўлганда ҳам "Hurriyat"га обуна бўлганлар сира ютқазмайди. Қолаверса, юқоридаги мактубни йўллаган ўқувчимиз ҳақ: газетамизга обуна бўлсангиз, озгина нақдингиз кетса-да, қанча вақтингиз тежалади. Газета дўконига боришга ҳам ҳожат қолмайди. Демак, асаб ҳам жойида бўлади!*

ДУНЁ СИЁСАТИ

Лавозимларни эгаллашди



АҚШнинг янги сайланган президенти Барак Обама мамлакат давлат котиби лавозимига Хиллари Клинтон номзодини кўрсатди.

Ҳозирги мудофаа вазири Роберт Гейтс яна Пентагон раҳбари сифатида қолади. Шунингдек, Аризона штати губернатори Наполитано ички хавфсизлик департаментини бошқаради.

Барак Обаманинг таклифига биноан унинг ҳукуматида Эрик Холдет бош прокурор, истеъфодаги генерал Жеймс Жонс миллий хавфсизлик бўйича маслаҳатчи, Сьюзан Райс эса БМТдаги АҚШ вакили лавозимларини эгаллайди.

II »

ҲИКМАТ

Соҳибқирон Амир Темур ўгитлари

- *Бир кунлик адолат юз кунлик тоатибодатдан афзалроқ.*
- *Билган ва таниган одамларингни унутма.*
- *Бир ишга киришмай туриб, ундан қутилиб чиқиш йўлларини белгилаб қўй.*
- *Бировдан ёмонлик ахтарма, айтсалар эшитма.*
- *Улкан мерос ҳамма вақт улкан мухолифлик туғдиради.*
- *Ҳеч кимдан ўч олиш пайига тушма.*
- *Қайси бир киши ақлга сиққан ишни куюниб гапирса, суюб эшит.*
- *Бўлиб ўтган ишга азият чекма. Ҳосил бўлган ютуқдан шодланма.*
- *Бир гуноҳкорнинг ўрнига бошқасига жабр-зулм қилма.*

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

ҲУҚУҚ

Шахс ва жамият: адолат меъёри

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисида Президентимиз Ислом Каримов ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишга қаратилган асосий йўналишларга тўхталар экан, шундай деган эди: "... ҳокимиятнинг учинчи тармоғи — суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштиришга алоҳида аҳамият беришимиз керак". Шу билан бирга "Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасида биз ҳал этишимиз лозим бўлган яна бир масала – бу жазолаш тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлаш..." деган таклифни ўртага ташлаган эдилар.

Орадан қисқа вақт ўтиб, аниқроғи ўша йилнинг 1 августида нафақат Ўзбекистон халқи, балки, бутун дунё кенг жамоатчилиги томонидан улкан ижтимоий-сиёсий воқеа сифатида эътироф этилган, мамлакатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Фармон асосида "Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилиниб, у 2008 йилнинг 1 январидан кучга кирди.

Мамлакатимизда инсоннинг содир этган жинояти учун уни яшаш ҳуқуқидан маҳрум этиш мумкин эмаслиги тўғрисидаги норма амалдаги миллий қонунчилигимизда мустаҳкамланиши билан, энг аввало, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришганидан кейин қўшилган биринчи халқаро ҳужжат "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси"нинг 3-моддаси талабларини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-моддасида кафолатланган инсоннинг яшаш ҳуқуқи билан боғлиқ нормаларни амалиётга татбиқ этиш учун мустаҳкам ҳуқуқий асосни вужудга келтирди.

Ушбу тарихий ҳужжатнинг яна бир муҳим аҳамияти шундаки, юртимизнинг нафақат яқин ўтмишида, балки бутун бир ўзбек миллий давлатчилигининг неча минг йиллик тарихида инсоннинг яшаш ҳуқуқидан маҳрум этиш, аниқроғи шахс томонидан содир этилган жинояти учун уни ўлим жазосига маҳкум этиш мумкин эмаслиги тўғрисидаги норма амалда илк маротаба қонунлаштирилди.

Албатта, бунга мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб, жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларидан ўлим жазосини назарда тутган нормаларни босқичма-босқичлик асосида камайтириш билан эришилди. Мустақилликнинг илк даврида Жиноят кодексининг 30 дан ортиқ моддаларида ўлим жазосини қўллаш назарда тутилган бўлса, 1994 йилда бундай моддалар 13 та, 1998 йилда 8 та, 2001 йилда 4 та, 2003 йилда эса ўлим жазосини назарда тутган моддалар 2 тага туширилди ва ниҳоят 2008 йилнинг 1 январидан шахсни ўлим жазосига ҳукм қилиш бутунлай бекор қилинди.

Бу ўз навбатида мамлакатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган барча ислоҳотларнинг туб мазмун-моҳияти, шу жумладан, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар замирида, энг аввало, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, унинг манфаатларига хизмат қилишдек олижаноб мақсадлар турганлигини айтсак муболаға бўлмайди.

Президентимиз томонидан парламент қуйи палатасига шу йилнинг 21 октябрида қонунчилик ташаббуси асосида киритилган "Ўзбекистон Республикасининг Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактга доир, ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган Иккинчи факультатив Протоколга (Нью-Йорк, 1989 йил 15 декабрь) қўшилиши ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ҳам мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар жумладан, ўлим жазосини бекор қилиш билан боғлиқ амалий чора-тадбирларнинг мантиқий давоми сифатида эътироф этиш ўринлидир. Қуйи палатанинг жорий йил 30 октябрь куни бўлиб ўтган мажлисида депутатлар қонун лойиҳасининг аҳамияти ва зарурати, қолаверса, халқаро аҳамиятга молик ҳужжат эканлигини инобатга олиб, амалдаги тартиб-тамойилларга асосан уни биринчи ўқишда қабул қилиб, иккинчи ва учинчи ўқишдаги муҳокамаларини истисно этган ҳолда, бир йўла қабул қилишди.

Муқаддима ва 14 моддадан иборат бўлган ушбу Иккинчи факультатив Протокол Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қабул қилинган "Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт" ҳамда "Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга доир факультатив баённома" қоидаларидан келиб чиққан ва ушбу Пактга қўшимча қоидалар тариқасида қўлланилади. Унга мувофиқ, иштирокчи давлат юрисдикцияси остида бўлган биронта шахс ўлим жазосига ҳукм қилинмаслиги керак.

Айтиш жоизки, мамлакатимиз юқоридаги ҳар икки ҳужжатга 1995 йил 31 августдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори билан қўшилганди. Иккинчи факультатив Протоколга қўшилиш ҳақидаги Қонуннинг қабул қилиниши натижасида Ўзбекистон юрисдикцияси остида бўлган биронта шахс ўлим жазосига ҳукм қилинмаслиги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан расман эътироф этилади ҳамда Ўзбекистоннинг ушбу Протоколга қўшилиш ҳақидаги қонун ҳужжати Бирлашган Миллатлар Ташкилоти архивига сақлаш учун топширилади ва Бош котиб томонидан Протокол иштирокчилари бўлган мамлакатларга маълум қилинади. Бу эса ўз навбатида Ўзбекистон юрисдикцияси остида бўлган биронта шахс ўлим жазосига ҳукм қилинмаслиги ҳақидаги маълумотдан дунё жамоатчилиги ва сиёсий доиралар расман хабардор қилади. Шунингдек, Протокол қоидаларининг республика ҳудудида бажарилиши Ўзбекистон ҳукумати томонидан халқаро шартнома асосида расман кафолатланган ҳисобланади. Бу айрим "инсон ҳуқуқларининг ҳимоячиси бўлган", лекин ўз ҳудудида ҳанузгача ўлим жазосини бекор қилмаган мамлакатларга маълум маънода ибрат намунаси бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз. Қолаверса, Президентимизнинг 2008 йил 1 майда қабул қилган "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармонининг тегишли банди бажарилиши таъминланади.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда ҳокимиятнинг учинчи тармоғи – суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштиришга қаратилган ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, балки инсон учун, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун олиб борилаётганидан далолат беради.

Матлуба МАХАМЕТОВА,
Абдуманноб РАҲИМОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзолари.

Инсон ҳуқуқларининг ишончли ҳимояси

(Бошланиши 1-бетда.)

Мазкур Декларациянинг қоидалари ва моҳияти Ўзбекистон Конституцияси, инсоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган миллий қонунчилик меъёрларида ўз ифодасини топган. Чунончи, Бош қомусимизнинг муқаддима қисмида дунё тан олган халқаро ҳуқуқ меъёрларининг устуворлиги акс этган. Декларациянинг биринчи ва иккинчи моддасида "***ҳамма одамлар ҳуқуқ ва ҳурмати жиҳатидан тенг ва эркин бўлиб, ҳеч қандай фарқсиз туғиладилар***", деб таъкидланади. Ушбу қоидалар Конституциямизнинг 18-моддасида ўз аксини топган. Унга кўра, "***Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар***".

Конституциямизнинг 24-25 моддалари Декларациянинг учинчи моддасига тўғри келади. Яъни, унда ***шахснинг дахлсизлиги, озодлиги ва яшаш ҳуқуқларининг кафолатлари*** баён этилган. Шунингдек, ушбу ҳужжатнинг 5-моддаси ва Конституциямизнинг 26-моддасида ***шахснинг қадр-қимматини ерга урувчи ёки ноинсоний шафқатсиз қийноқлар мутлақо ман этилиши*** ёзиб қўйилган.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг қоидаларида нафақат инсон, унинг шахсий дахлсизлик ҳуқуқий кафолатлари, балки оила, жамият манфаатлари ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топган. Айнан, Декларациянинг 16-моддасида "***оила жамият ва давлат томонидан ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга***" эканлиги уқтирилади. Ўз навбатида мамлакатимиз Қомусининг 63-моддаси мазкур Декларациянинг 16-моддаси моҳиятини ўзида мужассамлаштириб, "***Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга***" эканлиги таъкидланади.

Мазкур қиёсий таҳлил, Конституциямиз ва Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси қоидаларининг уйғунлигини ва моҳиятан ҳамоҳанглигини белгилаш билан бирга қомусимизда инсоннинг барча асосий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланганлигини яққол кўрсатиб туради.

Жаҳон жамоатчилиги хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва дунёнинг бир қатор ривожланган мамлакатлари, Президентимизнинг ушбу "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармонини ижобий қарши олиб, мамлакатимизда инсон ҳуқуқларига қаратилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликнинг юқори даражада эканлигини қайд этмоқда.

Мамлакатимизда ушбу Фармон қабул қилиниши муносабати билан ўтказилган ижтимоий сўровлар натижаси шуни кўрсатдики, фуқароларимизнинг қарийб 97.2 фоизи давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган муҳим ҳужжатдан хабардор эканлиги маълум бўлди. Мазкур ҳужжат билан тасдиқланган дастурда мамлакатимиз аҳолисининг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси мазмун моҳияти тўғрисида хабардорлигини ошириш бўйича бир қатор маънавий ҳамда маърифий тадбирларни ўтказиш режалаштирилган. Ижтимоий сўров натижалари ҳам бу каби тадбирларни ўз вақтида ўтказиш лозимлиги ва долзарблигидан далолат беради. Шу ўринда таҳлиллар шуни кўрсатадики, Декларациянинг мазмун-моҳияти ва улкан ҳуқуқий салоҳияти билан фуқароларимизнинг 51.6 фоизи таништган. Бу эса халқимизнинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигининг йилдан йилга ўсиб бораётганлигидан далолат беради.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, миллий қонунчилик меъёрларини ўзида мужассамлаштирган ва жаҳон тажрибалари самарасини ўтаган қонунчилик тизимимизда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси қоидаларининг йўғрилганлиги ва қиёсан ҳамоҳанглиги хусусан, мамлакатимизнинг дунё ҳамжамияти орасида ўз нуфузи ва салоҳиятини юқори даражада эканлигини яна бир бор исботлади.

Олимжон КОДИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг масъул ходими.

ҚОНУН ВА ИЖРО

Асоссиз текшириш ўтказилгач...

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида хусусий секторни ҳар томонлама ривожлантиришга, хусусан, кичик бизнес ва тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги ўрнини янада оширишга жиддий эътибор қаратилаётир. Тадбиркорликни ташкил этиш, унинг фаолиятини тартибга солиш ва соҳани ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг зарур меъёрий-ҳуқуқий тизимини яратиш энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Шуни таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида мазкур йўналишнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш ва унинг эркин фаолият юритиши учун қулай шарт-шароит яратиш борасида ҳукуматимиз томонидан самарали механизм яратилди ҳамда у йилдан йилга такомиллаштирилиб борилмоқда.

Аввало, тадбиркорликни ривожлантиришга катта аҳамият берилиб, бу соҳадаги вазифалар давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Масалан, Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 май куни "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди. Ушбу қонун фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этиши ва манфаатдорлиги учун кафолатдир ва тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиб келмоқда. Қонунга кўра, назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Махсус ваколатли органнинг қарорига биноан назорат қилувчи органлар томонидан хўжалик субъекти режали тартибда, кўпи билан йилига бир марта текширилиши мумкин.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги Қонуни тадбиркорлик субъектларини назорат қилишнинг қатъий шакллари, муддатларини белгилаб берди ва бу иш назорат қилувчи органларнинг диққат марказида турибди. Адлия вазирлиги тизимида тадбиркорликни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича бошқарма ҳамда ҳудудий бўлимларнинг ташкил этилиши тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг иқтисодиётдаги ўрнини янада мустаҳкамлашга замин яратди.

> *Туман ДСИнинг 42-сонли тўлов топшириқномаси билан "Томди савдо" МЧЖнинг ҳисоб рақамидан қўлланилган молиявий жарима асоссиз равишда ундириб олинган.*

Жумладан, Навоий вилоят адлия бошқармасининг иш режасига асосан Томди туман Солиқ инспекцияси фаолияти ўрганилганда, айрим тадбиркорлик субъектларида ноқонуний текширишлар ўтказилаётганлиги ҳамда уларга нисбатан асоссиз ҳуқуқий таъсир чоралари қўллаш ҳолатлари аниқланди. Хусусан, назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳудудий комиссия томонидан рухсатнома асосида туман ДСИ га 1 (бир) иш кунида "Томди савдо" МЧЖ да савдо ва нақд пул тушуми юзасидан қисқа муддатли текширишга рухсат берилган.

Туман ДСИ томонидан буйруқ қабул қилиниб, унда инспекция ходимлари О.Кўлманов ва А.Пўлатовлар томонидан "Томди савдо" МЧЖ нинг 28, 36-сонли савдо дўконларида 1 (бир) кун муддатга қисқа муддатли текшириш ўтказилиши кўрсатилган. Буйруққа асосан белгиланган муддатда қисқа муддатли текшириш ўтказилган. Унинг якунларига кўра, далолатнома тузилган ҳамда айбдор шахсларга нисбатан маъмурий баённомалар юритилиб, жавобгарликка тортилган.

Бироқ ДСИ томонидан Кенгашнинг юқоридаги рухсатини асос қилган ҳолда "Томди савдо" МЧЖ нинг 34-сонли савдо дўконида текшириш ўтказиш мақсадида қайтадан яна буйруқ чиқарилган.

Натижада инспекция ходимлари С.Исабаева ва А.Пўлатовлар томонидан қисқа муддатли текшириш ўтказилиб, назорат текшириш далолатномаси тузилган ва сотувчи Ж.Албатировага нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 164-моддаси 1-қисми билан маъмурий баённома расмийлаштирилган ҳамда 12420 сўм маъмурий жарима қўллаш тўғрисида қарор чиқарилган.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳудудий комиссия томонидан "Томди савдо" МЧЖ да фақат 1 (бир) кунга текшириш ўтказишга рухсат берилганлиги ва ушбу текшириш якунланганлиги сабабли қайта чиқарилган буйруқ ва шу асосида ўтказилган текшириш ноқонуний деб ҳисобланди. Шунингдек, Томди туман ДСИ бошлиғи П.Шерманов томонидан сотувчи Ж.Албатировага белгиланган тартибда касса китобини юритмаганлиги, харидорларга пул маблағларига чек бермасдан савдо қоидаларини бузганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг 30 баробари миқдорида молиявий жарима қўллаш тўғрисида қарор қабул қилинган. Туман ДСИнинг 42-сонли тўлов топшириқномаси билан "Томди савдо" МЧЖнинг ҳисоб рақамидан қўлланилган молиявий жарима асоссиз равишда ундириб олинган.

Ваҳоланки, Президентимизнинг 2005 йил 14 июндаги ПФ-3619-сон Фармонига асосан молиявий санкцияларни қўллаш ҳақидаги таъсир чоралари фақат суд тартибида қўлланилиши белгиланган.

Юқоридагиларга кўра, шунингдек, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 3-моддасига асосан хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қонунлар ҳамда ўз фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлари қандай бажарилаётганлигини назорат қилиниши ҳамда назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг тегишли рухсати мавжуд эмаслиги сабабли, текширувчи ходимларнинг ушбу ҳаракатлари ноқонуний деб ҳисобланади.

Ихтиёр КЎЗИЕВ,
Навоий вилоят адлия бошқармаси ходими.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТ

Адлия вазирлигида "Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг конституциявий-ҳуқуқий кафолатлари" мавзусида конференция бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), парламент қуйи палатаси депутатлари ва бошқа давлат органлари ҳамда жамоат ташкилотларининг вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Тадбир давомида Адлия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16 йиллик байрами арафасида адлия идоралари ва муассасалари ходимлари ўртасида "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бўйича энг яхши реферат" кўрик танлови якунлари сарҳисоб қилиниб, ғолибларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Иномжон АБДИЕВ,
"Hurriyat" мухбири.

ДАРСЛИКЛАР ЯРМАРКАСИ

Яқинда Нукус шаҳрида дарсликлар ярмаркаси очилди. Унда мамлакатимиз нашриётларида чоп этилган дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва адабиётлар намойиш этилмоқда. Ярмарка бир неча кун давом этади ва ҳозирданоқ унга ташриф буюрганларга манзур бўлмоқда.



Дарсликлар ярмаркасининг очилишига бағишланган тадбирда "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи бош муҳаррири И.Шоймардонов, Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири Б.Султонов ва бошқа масъул кишилар қатнашди.

Ситора ШАМСИДДИН қизи,
"Hurriyat" мухбири.

ЁШЛАР УЙИЛИ БЎЛИШДИ

"Ёшлар йили" Давлат дастурида белгиланган устувор вазифаларнинг амалдаги татбиғи сифатида Қорақалпоғистон Республикаси Тахиатош шаҳрида қуриб битказилган 32 хонадонли ва Нукусдаги 64 хонадонли турар-жойларни ёшларга топширишга бағишланган тадбир ўтказилди.

Шу куни Хўжайли туманидаги 1-сонли Республика "Меҳрибонлик уйи"нинг собиқ тарбияланувчилари — ҳозирда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таълим олаётган 9 нафар талаба ҳам уйли бўлишди.

Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси М.Ерниязов, Вазирлар Кенгаши раиси Б.Янгибоев ва бошқа мутасаддилар иштирок этдилар.

Ғойиб ЁҚУБОВ,
"Hurriyat" мухбири.

ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК

«Хоразм озиқ-овқат моллари» масъулияти чекланган жамияти улгуржи универсал ҳудудий базаси ва унинг туманлардаги 5 та дўкони аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, савдо кўрсатиш даражасини ривожлантириш борасида кенг қамровли фаолият кўрсатяпти.

Яқинда Урганч тумани марказида янги минимаркет қурилиб, ишга туширилди. МЧЖ вилоятда етиштирилаётган ун, ёғ ва



бошқа озиқ-овқат маҳсулотларидан ташқари Россия, Қозоғистон ва бошқа МДҲ давлатларидан ҳам ун ва ун маҳсулотлари, ўсимлик ёғи, шакар, чой каби озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларини вилоят истеъмочиларига етказиб беряпти. Қиш мавсумига бир неча юз тонна картошка, пиёз, сабзи, карам, гуруч ва бошқа маҳсулотлар ҳозирлаб қўйилди.

Тузалбой РАҲИМБОЕВ,
"Hurriyat" мухбири.

Акциядорлик-тижорат

“Пахта банк”

жамоаси





барча юртдошларимизни
мамлакатимиз
Конституцияси қабул
қилинганлигининг

16 йиллиги билан

самимий муборакбод этади.
Сиз азизларга мустаҳкам
соғлик, бахт-саодат,
тинчлик-хотиржамлик доимо
ёр бўлсин.

“Пахта банк” — Сизнинг ишончли ҳамкорингиз!

ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ

СЎРОВ

МАТБУОТИМИЗ РАВНАҚИ:

ким қандай фикрда?

1. Матбуотимизни янада ривожлантириш уфқини қайси ўлчамларда кўрасиз?
2. Ўзбек матбуотида танқид қандай ўрин тутиши керак, деб ўйлайсиз?
3. Иш фаолиятингиздан қониқасизми?

Абдулғани ДАМИНОВ , «Андижоннома» ва «Андижанская правда» газеталари бош муҳаррири

1. Аввало, юртимизда журналистикамиз ривожи учун ҳуқуқий база яратилди. Янгиланиш йилларида халқимиз тафаккуридаги ўзгаришлар матбуотда ҳам ўз аксини топяпти. Нашрларимиздан таҳлилий, мулоҳазали, танқидий мақолалар кенг ўрин олаётгани эътиборли.

Бугун турли йўналишдаги нашрлар орасида ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газеталар барибир алоҳида ўрнига, ўз сўзига эга, деб биламан. Янги технологиялар орқали ахборот алмашинуви тезлигига эришиляпти. Газеталар қиёфаси, дизайнида ўзгаришлар катта. Булар, албатта, ютуқларимиз.

Лекин матбуотимизни янада ривожлантириш омиллари деганда, аввало, кадрлар масаласи ҳамда таҳририятларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш заруратини алоҳида таъкидлаган бўлардим. Айрим туман газеталари иқтисодий қийинчилик туфайли ойлаб тўхтаб қоляпти. Яна ҳам ачинарлиси, баъзи бирларида ҳатто компьютер ҳам йўқ.

Мен 15 йил Избоскан туман «Пахтакор» газетасига муҳаррирлик қилдим. Шу йиллар давомида ишхонани ҳавас қиларли даражада ободонлаштиришга эришган эдик. Айни кунда эса таҳририят биноси, босмахона билан қўшиб бир ишбилармонга мулк қилиб бепул берилди, тадбиркор эса уни профилакторийга айлантирди. Таҳририят кўчада қолди. Бундай мисоллар кўп. Менимча, ҳозир, қуйи матбуот нима бўляпти, деган саволни қўядиган вақт келди.

Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватловчи фонд ташкил этилгандан бери муаммолар ечимига эътибор қаратиляпти. Лекин қўлдан берганга қуш тўймайди, деган нақл бор. Таҳририятлар, айниқса муҳаррирлар ўзларининг иқтисодий мустақиллигига эришиши лозим. Бунда, албатта, муассислар ёрдами, ҳамкорлиги муҳим ўрин тутади.

Шу йилнинг ўзида вилоят ҳокимлиги ёрдамида таҳририятимиз биносида 90 миллион сўмлик қайта жиҳозлаш ишлари амалга оширилди. Натижада у Андижон шаҳридаги энг чиройли бинолардан бирига айланди. Журналистларимиз ўз компьютерларига эга бўлди. Қолаверса, барча ходимларимизни қиш даври учун гуруч, сабзи, пиёз, картошка маҳсулотлари билан бепул таъминладик.

2. Танқидий мақола газетамизнинг деярли ҳар бир сонида бор. Президентимиз фармонлари, ҳукуматимиз қарорлари жойларда қандай бажарилаётганининг таҳлили, бозор иқтисодиётига ўтиш даври имкониятларидан нотўғри фойдаланиш, ижтимоий муаммолар кўпроқ эътиборимизда. Газетамизнинг ўтган йилги сонларида 159 та танқидий мақола чоп этган бўлсак, бу йил 11 ойда улар137 тани ташкил этди. Босилган танқидий мақолалар юзасидан вилоят ҳокимлиги ўтказаётган хизмат текширувлари, биринчи раҳбарлар имзоси билан берилаётган жавоблар ҳам мақолалар таъсирчанлигини, муаммога ижобий ёндашувни таъминлаяпти. Қолаверса, таҳририятга мурожаат қилувчилар сони ортиб боряпти. Бу ҳам газета чиқишларига, кўтарилаётган муаммолар ечимига берилаётган баҳо деб биламан. Умуман газетада беғараз, холис танқид бўлиши керак, деб ҳисоблайман.

3. Қониқиш ҳосил бўлган жойда ҳаракат тўхтайди. Шу жиҳатдан олганда ўз ишимдан тўлиқ қониқмайман. Лекин газетамизнинг моддий-техника базаси йил сайин мустаҳкамланиб, журналистларимиз ижодий салоҳияти ошиб бораётганидан хурсандман. Айниқса, ижтимоий-иқтисодий газеталар халқ овози, ишончи бўлиши лозим. Бунга эришиш журналистлардан ижодий салоҳият, журъат, жасорат талаб этади. Энг муҳими — изланиш. Изланишдан тўхтасак, ютуқ ҳам бўлмайди.

ЖАВОБ

"Тегишли чоралар кўриш бўйича кўрсатма берилди"

"Hurriyat" газетасининг 2008 йил 22 октябрдаги сонида журналист И.Норматовнинг Яккасарой туман 1-сонли давлат нотариал идораси фаолияти юзасидан "Мен қандай қилиб уй сотдим?" номли танқидий мақоласи чоп этилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг буйруғига асосан мақолада кўрсатилган ҳолатлар вазирлик ходимлари томонидан ўрганиб чиқилди.

Яккасарой туман 1-сонли давлат нотариал идораси томонидан фуқароларга кўчмас мулклар билан боғлиқ маълумотномалар берилишида йўл қўйилган камчиликлар юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилаш ва айбдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўриш бўйича Тошкент шаҳар адлия бошқармасига кўрсатма берилди.

Вазир ўринбосари: Е. КАНЬЯЗОВ

ТАҲРИРИЯТДАН: *Адлия вазирлигининг ушбу кўрсатмасига мувофиқ муҳарририятимиз Тошкент шаҳар адлия бошқармасидан ҳам жавоб хати кутади.*

ҲУШЁРЛИК

Олов — тизгинсиз ёв

Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 4 ноябрдаги 578-Ф сонли фармойишига кўра, 10 ноябрдан 10 декабрга бўлган муддатда республикамиз ҳудудида "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" деб эълон қилинди.

Ушбу фармойиш талабларини бажариш мақсадида Республика ИИВ ЁХББ ва унинг вилоят, шаҳар ва туман бўлимлари томонидан амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ишчи гуруҳ ҳамда штаб тузилган. Ҳозирги кунда барча бўлимлар шахсий таркиби, газ-электр идоралари ходимлари, профилактика инспекторлари ҳамда бошқа тегишли идора ва ташкилот вакиллари билан биргаликда аҳоли яшаш уйлари, кўп қаватли уйлар, корхона ва ташкилотларда қишки мавсумга тайёргарлик кўриш ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида текширувлар ўтказилмоқда.

Хусусан, Миробод туман бўлими инспекторлари томонидан ҳам 39 та маҳалла, 17 та мактаб, 30 та мактабгача таълим ва 20 та даволаш муассасалари, 3 та академик лицей, 5 та касб-ҳунар коллежи, 5 та олий ўқув юртларида ҳамда барча корхона, ташкилотларда фуқаролар, ўқувчилар, талабалар ҳамда маҳалла фаолларини ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилишларини таъминлаш, ёшларнинг билим савияларини ошириш, ёнғинларнинг олдини олиш мақсадида учрашувлар ўтказилди.

Фуқароларимизга нохуш ҳодисалар ва кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида қуйидаги тадбирларга қатъий амал қилишларини сўрайдик:

Масалан, ёш болаларни уйда ёлғиз қолдирмаслик ва уларга носоз газ ва электр мосламаларидан фойдаланишни ишониб топширмаслик; газ-электр мосламалари созлигини тез-тез текшириб туриш; қўлбола электр иситиш мосламаларидан фойдаланмаслик; электр тармоғи сақлагичларига қўлбола симларни ўрнатмаслик; белгиланмаган жойларда сигарета чекмаслик; очиқ жойларда олов ёқилишига йўл қўймаслик.

Илҳом МИРЗАЕВ, Миробод туман ИИБ ЁХБ инспектори, кичик сержант.

МУЛОҲАЗА

Амру маъруфдан мақсад — яхшилик. Аммо...

Шукрки, мустақиллик туфайли диний эътиқодимиз ҳам кучайди. Масалан, ҳозир амру маъруфлар, турли маърака-маросимларда ҳам тарбиянинг таъсирчан воситаси бўлиб хизмат қилмоқда. Айниқса, ахлоқ-одоб, ҳалоллик-поклик, тўғрилик ва диёнат, меҳр-оқибат ва халқпарварлик, каттага ҳурмат ва ота-онани рози қилиш, гуноҳ ва ҳаром ишлардан сақланиш, хайр-эҳсон, садақа ва закот бериш, кимўзарга маърака-маросимлар ўтказмаслик, илм ва тақво ҳақида сўз юритилган амру маъруфларда бўлсангиз ҳузур қиласиз. Агар домланинг сўзлари ҳаётий мисоллар билан боғланса яна ҳам яхши. Сиздаги ихлос ишонч билан мустаҳкамланиб, қалбингизни эзгулик қамраб олади. Маърузани эшитиш жараёнида нафақат билмаганингизни биласиз, балки йўл қўйган хатоларингиз ва қилган гуноҳларингизни англаб етасиз. Кейинги хатти-ҳаракатингизда уларга йўл қўймайсиз, эҳтимол ўзгарарсиз. Бундай тадбир аксарият одамларга ана шундай таъсир кўрсатади.

Энди амру маъруф қиладиганларга келсак, шак-шубҳасиз, улар илмли одамлар бўлиши керак. Шунда тингловчиларнинг қалбини сеҳрлаб, ишонтира олади. Акс ҳолда насиҳатгўй маърузачига ўхшаб қолишади. Борди-ю, домла ёш, илмда сал нўноқроқ бўлса, ҳаётий тажрибаси бўлмаса, унинг сўзлари фарзанднинг отага насиҳатига ўхшаб қолади. Баъзан масжидларда ва жойлардаги маърака-маросимларда ана шундай ҳолатларга дуч келамиз. Шунинг учун ҳам диний идораларда бу масалага жиддий эътибор берилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Бу динимизнинг обрўсини ва тарбиянинг таъсирини янада ошириш учун зарур.

Албатта, илм ва ҳаётий тажриба билан бирга тақво ҳам зарур. Тақво — диннинг асоси. Агар домла ўзи айтаётган сўзга ўзи амал қилмаса ёки ҳаётда ибрат кўрсатмаса мунофиқлик бўлади. Амру маъруфларда қайси мавзу тилга олинмасин айтилаётган ҳар бир сўз аввало тақвони талаб қилади. Амру маъруф сўзининг ўзи яхшиликка буюриш, ёмонликдан қайтариш деган маънони англатади.

Амру маъруфларда турли миллий ва диний маърака ҳамда маросимларни ресторан ва кафеларда эмас, балки маҳаллаларда ихчам ўтказиш, уларга қўни-қўшни ва қариндош-уруғдан ташқари асосан бева-бечоралар, ёлғизлар, ҳурмат ва эътиборга лойиқ одамларни чақириш ҳақида кўп гапирилади. Аммо ҳозир фақат тўйлар ёки бошқа тантанали тадбирлар эмас, балки ўтганларнинг руҳини ёд этиб ўтказилаётган диний маросимлар ҳам кафе ва ресторанларга кўчди. Ваҳоланки, Тошкентда ҳам, бошқа шаҳар ва туман марказларида ҳам ана шундай маърака-маросимларни ўтказадиган маҳалла гузарлари, ошхона ва чойхоналар бор.

Ҳар қандай жамиятда ўзига тўқлар ҳам, кам таъминланганлар ҳам бўлади. Пулдорлар ҳаддидан ошиб кетмаслиги учун дин уларни инсоф-диёнатга ва камбағалларга меҳр-мурувват кўрсатишга даъват этади. Бу даъватнинг моҳиятини дин арбоблари халққа тушунтириб беради. Лекин баъзи бир бадавлат инсонлар ўз билганларидан қолишмаяпти. Шуҳратпарастлик уларга тинчлик бермайди, шекилли. Ҳозиргача улар тўй, юбилей ва бошқа тадбирларга таниқли артистларни чақириб "обрў" орттиришган бўлса, энди турли маърака-маросимларга номдор домлаларни таклиф этишмоқда. Ўғлимнинг тўйига фалон артист келган бўлса, отамнинг жаназасига фалон домла келди, деб мақтанадиганлари



ҳам бор. Биз пулдорлар ҳақида эмас, балки уларнинг раъйини қайтара олмайдиган ёки нимадандир умидвор бўлган, бева-бечорага эса ёрдамчиси ёки шогирдини юборишга одатланиб қолган "тақводор" амру маъруфчилар тўғрисида гапиряпмиз.

Домлалар ҳамиша ўлимни эслаб, ўлганларни хотирлаб туришни таъкидлашади. Амру маъруф охирида дуога қўл очилиб, ўтганларнинг охиратлари обод бўлиб, ётган жойлари шоҳистаи жаннат бўлишлиги Аллоҳдан сўралади. Қолаверса, марҳумларни эслаш тирикларни ёмон ишлардан огоҳлантиришдир.

Баъзи масжидларда эса бошқа ҳолатни кўрасиз. Яъни, марҳумлар қолиб, диний мансабдорларга дуо қилинади, уларнинг шаънига ҳамду-санолар айтилади. Айрим масжидларда ҳар жума амру маъруфдан сўнг диний идорадаги раҳбар ходимларнинг номлари бирма-бир санаб ўтилиб, уларнинг хизматлари улуғланади ва уларга узундан-узоқ дуолар қилинади. Аввало, уларнинг хизматларини Аллоҳ кўриб турибди, улар мақтовга муҳтож эмас. Парвардигор ҳар бир бандасига ўзи лозим топган мукофотни беради. Қолаверса, хушомад тақвога тўғри келмайди. Бундай масжидларнинг атрофидаги маҳаллаларда кўплаб улуғ инсонлар яшаб ўтган. Умуман, амру маъруфларда ҳаётда яхши из қолдирган улуғ инсонлар, шунингдек, ўтган бошқа марҳумлар руҳи покларига дуо қилингани яхши эмасми? Бундан ўтганларнинг яқинлари, аҳоли рози бўлади. Маърузани тинглаб ўтирганларнинг эса динга ихлоси, имом хатибга ишончи ортади.

Амру маъруфларда закот ҳақида ҳам сўз юритилади. Сабаби, закот бериш — фарз. Қанчалик кўп гапирилса, шунча яхши. Закот берадиганлар кўпайса, етим-есир ва бева-бечоралар, мушкул аҳволда қолган инсонларга озгина бўлса-да енгиллик бўлади. Аллоҳга шукрки, бизда закот бериш имкониятига эга бўлганлар тобора кўпайиб боряпти. Бироқ домлалар кимлар закот бермаслиги кераклиги ҳақида гапирганда қарздорларни алоҳида таъкидлаб ўтган ҳолда қандай қарзлар назарда тутилаётганлигига аниқлик киритишмайди.

Қарздорлар эса ҳар хил бўлади. Баъзи бировлар шоҳона тўй ўтказиб ёки қизига қимматбаҳо мебелларни олиб қарздор бўлиб қолишган бўлса, бошқа бировлар бошига ташвиш тушганидан қарздор бўлиб қолган бўлиши мумкин. Шунингдек, баъзилар "Мерседес" автомашинасини сотиб олиш билан, бошқалар эса яқин одамини даволатаман деб қарздор бўлиши ҳам мумкин. Амру маъруфларда шуларга аниқлик киритилса яхши бўларди. Чунки орамизда "қарздор" бўла туриб ҳам шоҳона ҳаёт кечираётганлар оз эмас. Кейин закот масаласида банкдан олинган қарзга қандай қаралади? Ёки омонатга қўйилган пул ва унинг ўсиб борадиган фоизига-чи?

Ҳаммасига исломий қонун-қоидалар асосида тушунчалар берилса, эҳтимол закот берадиганлар сони яна ҳам ошган бўларди.

Иброҳим НОРМАТОВ

ТАБРИК

Акциядорлик-тижорат

IPOTEKA BANK

жамоаси

IPOTEKA BANK

мамлакатимиз халқини Ватанимизнинг Бош қомуси қабул қилинганлигининг 16 йиллик тўйи билан чин қалбдан муборакбод этади!

Қутлуғ айём арафасида барча юртдошларимизни яқинлашиб келаётган яна бир муборак байрам — Қурбон ҳайити билан ҳам табриклашдан бахтиёрмиз.

АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗГА
ТАЯНИБ ЯШАШ
ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТ,

ТИНЧ ВА ФАРОВОН ИСТИҚБОЛИМИЗ ГАРОВИДИР.

АЙЁМОНА

TURON BANK

"ТУРОН БАНК"

жамоаси

ўз акциядорлари, мижозлари ва барча ватандошларимизни 8 декабрь — Бош қомусимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллиги ҳамда яқинлашиб келаётган муборак айём — Қурбон ҳайити билан самимий мубораквод этади.



ОАТ "Турон банк" аҳолига хорижий валютадаги йиллик 12,5% даромад билан

BONUS

янги омонат турини таклиф этади.
Омонат миқдори чегараланмаган.
Омонат муддати 3-6 ой.
Омонатчи омонатга ҳисобланган фоиз даромадларини ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг АҚШ долларида олиши мумкин.

"Турон банк" — сармоянгизнинг барқарор ўсиши.



Қўшимча маълумот учун телефон: **(8.371) 700-55-55**
www.turonbank.uz

ТИЛАК





“Ўзнефтгазқазибчиқариш”

акциядорлик компанияси

жамоаси

мустақил

Ўзбекистонимизнинг Бош қомуси —

Конституциямиз қабул

қилинганлигининг 16 йиллиги ҳамда

яқинлашиб келаётган қадрли

байрамларимиздан бири —

Қурбон ҳайити билан барча

ватандошларимизни муборакбод этади.

Тилагимиз — она юртимиз тинч,

элимиз ҳамиша омон бўлсин. Ўз

юртини севадиган, қонунларимизни

ҳурмат қиладиган ҳар бир инсон

мамлакатимизнинг гуллаб-яшнашига

ҳиссасини қўшаверсин!

МУАММО

Миллий мультфильмларни қачон кўрамиз?

— Айтишларича беш ёшли ҳар бир болада ҳам даҳолик сифатлари мавжуд бўларкан, — деб ёзади фалсафа фанлари доктори Виктор Алимасов. — Аммо кўпинча ён-атроф талабларига, анъаналарига мослашиш ундаги қобилиятни сўндиради, уни бир қолипда фикрлайдиган ва бир тарзда яшайдиган омма вакилига айлантириб қўяди.

Дарҳақиқат, бола ўз дунёси, ўз олами билан яшайди. Аммо унда ўз кучига, ўз фикрига бўлган ишонч кучсизроқ бўлади. Яъни болани қайси йўлга бошласангиз, кетаверади. Бошқачароқ қилиб айтганда, болаларнинг дунёқарашини, фикрини хоҳ ижобий, хоҳ салбий томонга бўлсин ўзгартириб юбориш жуда осон. Шундан бўлса керак, халқимиз азал-азалдан фарзанд таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратиб келади.

Сиз бугун болангиз нима иш билан шуғулланаётганини бир марта бўлса-да кузатдингизми? Унинг атрофини нималар қуршаб олганига аҳамият бердингизми? Бугун улар қандай китоб ўқиб, қайси мультфильмни кўриб завқу шавқ олаяпти? Руҳшуносларнинг таъкидлашича, бола тарбиясида китобдан кейин мультфильмлар асосий ўринда турар экан. Ҳа, ҳар бир бола мультфильм кўриш ҳуқуқини жуда эрта қўлга киритади. У туфайли фарзандларимизнинг тасаввури бойиши ҳам бор гап. Бу фильмларда ҳамиша эзгулик ғолиб чиқиб, ҳақиқат болалар истаганидек руёбга чиқади. Жонзотлар тилга киради. Бу сирли оламни ҳеч бир ёш тарк этишни хоҳламайди. Ўша сизу биз масза қилиб томоша қилган "Зумрад ва Қиммат" мультфильмидан олган гўзал таассуротларимизни эса сўз билан изоҳлаб бериш ўта мушкул. Шу ўринда савол туғилади. Бугун болаларимиз қалбимизда яхшилик уруғини сочган мультфильмлардан баҳраманд бўлишмоқдами?

DVDда мультфильм томоша қилаётган акамнинг тўққиз ёшли ўғли Давронбекка ҳавасим келиб, унга савол бераман:

— Қандай мультфильм кўраяпсан?

— "Киллер мэн" (Killer man инглизчадан таржима қилинганда қотил маъносини беради — А.Р.)

— Улар қайси тилда гапираяпти?

— Русча.

— Сенда ўзбекча фильмлар йўқми?

У билмадим дегандек елкасини қисди. Унга яна савол беришда давом этдим.

— "Алпомиш"ни кўрганмисан?

— Ҳа, лекин у менга ёқмади. Ёш боламидимки "Алпомиш"ни кўрадиган. Уни кўрсам зерикиб кетаман. Яхшиси мана буларни кўрган яхши, — деб у қўлимга уч-тўртта дискларни тутқазди. Жияним берган "матоҳ"ларга синчковлик билан назар ташладим. Уларнинг қутисида мультфильм қаҳрамонларининг сурати бор эди. Улардан бирининг қўлида қонга бўялган қилич, яна бирови эса милтиқ ўқталиб турибди. Баъзилари на одамга ўхшайди, на бирор бир махлуққа. Кўзларим улар орасидан халқимиз қаҳрамонлари — Широқ, Тўмарис, Алпомиш ҳамда Барчинойни қидириб тополмади. Қайта-қайта излаб ҳам топа олмадим. Чунки улар йўқ эди...

Бундай пайтда одам хафа бўлиб кетади. Нима учун юртимизда миллий мультфильмлар яратилмаяпти? Ахир, қанчадан-қанча гўзал эртакларимиз, халқ достонларимиз бор-ку. Агар шундай мультфильмлар яратилаётган бўлса, не сабабдан улар эфирга узатилмайди, хориж мультфильмлари эгаллаб олган кино бозорларимизда сотувга ёки вақтинча фойдаланишга чиқарилмайди? Нима учун болаларимиз хорижнинг жанғари, ҳар бир кадрида ёвузлик ва қабоҳат йўлидаги қон ҳиди анқиб турган мультфильмларни "севиб" томоша қилишадию меҳр-муҳаббат, жасорат ва халқпарварлик руҳи балқиб турган "Алпомиш"ни кўргиси келмайди?! Бу саволларга беихтиёр жавоб излаймиз.

— Ҳар йили ўнта мультфильм ишлаб чиқариш учун ҳукуматимиз томонидан маблағ ажратилади, — дейди "Ўзбекфильм" ОАЖ қошидаги "Ўзбек мультипикацион бирлашмаси" режиссёри Мавзур Маҳмудов.— Шундан тўрттаси танлов асосида хусусий студияларга берилса, қолган олтита фильм бизнинг бирлашмамизда суратга олинади. Ҳукуматимиз томонидан берилаётган бундай эътибор бизни қувонтиради, албатта. Чунки кўп хориж давлатларида бу соҳа учун пул ажратилиб, алоҳида эътибор қаратилмайди. Чет элда асосан бундай анимацион фильмларни ишлаб чиқариш билан хусусий студиялар шуғулланишади. Балки уларнинг ютуғи ҳам шундадир. Айтайлик бирор ҳомий пул тикканидан сўнг, қандай қилиб, бўлса-да фойда қилишга интилади. Шунинг учун улар одамларни тез жалб қиладиган фильмлар ишлаб чиқаришади. Уларни мультфильмларнинг мавзуси қизиқтирмайди. Шу боис хорижлик мутахасислар замонавий технология имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда қўрқинч ва вахшийлик йўғрилган фильмлар яратишмоқда. Хўш, бизнинг хусусий студиялар нима иш қилишмоқда? Уларнинг маҳсулотлари қачон юртимиз ва жаҳон кино бозорини эгаллайди? Шу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтишим лозим: давлатимиз томонидан ажратилган маблағни ўринли сарфлаб, соҳани ривожлантириш ҳақида бош қотиришимиз керак.

— Соҳадаги ютуқ ва муаммолар хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз...

— Бугун компьютер жамиятнинг ҳар бир бўғинига кириб борган. Шу жумладан, мультфильмларни суратга олишда ҳам улар хизматидан кенг фойдаланилмоқда. Олдинлари расмли мультфильмлар шундай бир қийинчилик билан суратга олинардики, фильмда бир сонияда 24 та кадр айланадиган бўлса, қаҳрамонларнинг бир ҳаракатини амалга ошириш учун бир нечта рангдан фойдаланиларди. Ўз навбатида ранглар Москвадан олиб келинарди. Бу эса анча пул ва вақт талаб қиларди. Эндиликда бу ишларнинг барчасини компьютер бажараяпти. Натижада яратилаётган фильмларнинг сифати анча ошди.

Аммо яна бир нарса борки, ҳозир кундан-кунга янги-янги компьютер дастурлари (программалар) яратилмоқда. Уларнинг ҳаммасини сотиб олиб, фойдаланишимизга имкониятимиз йўқ. Мазкур дастурлар эса лицензияланган. Шунинг учун ҳам уларнинг нархи жуда қиммат. Ўйлайманки, тез орада уларни харид қилиб, яратилаётган фильмларимизнинг сонини ва сифатини янада оширамиз. Шу билан бирга, ушбу дастурлардан унумли фойдаланиш кўп компьютер ва кучли мутахасисларга эҳтиёж туғдиради. Бизда эса бу муаммолардан бири. Кейин мультфильмларни суратга олишда барча ишни компьютер бажаради, деб ўйлаш ҳам нотўғри. Унинг хизматидан кадрлардаги ранг-тасвирни уйғунлаштиришда фойдаланиш мумкин. Лекин асосий иш — жонлантиришни одам бажаради.

— Ҳозир малакали кадрлар етишмаслиги ҳақида гапирдингиз. Ёш кадрларни жалб этиш борасида бирор бир амалий иш қилиняптими?

— Йил бошида ишимиз кескин даражада кўпайиб, тўрт-беш ой ҳеч кимнинг қўли-қўлига тегмайди. Белгиланган режа амалга оширилиб бўлингандан кейин ходимлар бекор қолишади. Масалан, бир йилда олтита мультфильм ишлаб чиқариш лозим бўлса, биз уларни қисқа муддатда суратга оламиз-да, қолган пайтлари бўш бўламиз. Шу боис ёш мутахасислар ишга келишадию, кетиб қолишади. Бу билан ишни бир тизимга солиб, бир маромда йўлга қўйиш зарур демоқчиман. Яъни битта мультфильм бир ёки икки ой давомида суратга олиниб, кейин иккинчиси, учинчиси... суратга олиниши лозим. Шу хусусда доим гапирамиз, турли таклифлар билан чиқамиз, аммо муаммо ҳанузгача ечимини топганича йўқ. Шу боис, ёш кадрларни камолга етказиш учун уларни мунтазам банд этиш зарур. Айрим кадрлар эса ўзлари ишнинг оғирлигига дош беролмасдан кетиб қолишади.

— Телевидениеда миллий мультфильмларимиздан кўра, хориж мультфильмлари кўпроқ эфирга узатилади. Дарли чет эл маҳсулотлари телеканалларимизни эгаллаб олди десак ҳам муболаға бўлмайди. Бунинг сабаби нимада деб ўйлайсиз?

— Аслида Ўзбекистонда яратилаётган мультфильмларнинг хорижникидан қолишадиган жойи йўқ. Ҳар йили бирлашмамизда яратилаётган фильмлардан уч-тўрттаси халқаро фестивалларда совринли ўринларни олиб келаётгани ҳам гапимни исботлайди. Бунинг асосий омили миллий мультфильмларимизда дунёнинг ҳар бир халқига хос фазилатлар — эзгулик, олижаноблик, яхшилик, меҳр-муҳаббат, ўзаро ҳурмат, инсонийликни тараннум этилишида деб ўйлайман. Афсуски, чет элларда суратга олинаётган фильмларда бунга эътибор қаратилмайди. Энг ачинарлиси, уларнинг ҳар бир кадрида зўравонлик бор.

Замон ўзгариб бориши билан бирга болалар ҳам ўзгариб бораётганга ўхшайди. Ҳақиқатан ҳам бизнинг баъзи фильмларни кўрган болалар зерикиб қолмоқда. Бунга ўша хориж мульфильмлари ва компьютер ўйинлари айбдор деб ҳисоблайман. Мультфильмларимиз телевидениеда нима учун намойиш этилмаётганига эса "Ўзбеккино" миллий агентлиги ва телевидение раҳбарлари жавоб берса яхшироқ бўларди. Юқорида айтиб ўтганимиздек, бир йилда 10 та мультфильм суратга олинаяпти. Бу кўрсаткич икки-уч йил давомида 30 тадан ошади. Агар улардан бир ойда атиги иккитаси эфирга узатиб борилса, одамлар миллий мультфильмларимиз тўғрисида маълумотларга эга бўларди. Ана шунда болаларимизда ўзбек мультфильмларига нисбатан қизиқиш ўйғонармиди? Балки хориж мультфильмларини сотиб олиш арзонроқдир. Бироқ, бу фикр ҳақиқатдан анча узоқ деб ўйлайман. Негаки, бизнинг мультфильмлар ҳам унчалик қиммат эмас, шу билан бирга, улар маънавиятимизни бойитишини ҳисобга олсак, буни пул билан ўлчаб бўлмайди.

— "Алпомиш" мультфильми билан четда суратга олинган "Пакахонтис" фильмини солиштирсак, ишончим комилки, ўзбек фильмида сифат жиҳатдан камчиликлар етарли. Шундай бўлганидан кейин болаларни ўзбек мультфильмларини кўрмасликда айблаш тўғри бўлармикан?

— Ҳамма гап замонавий технологияларнинг етишмаслигида. Агар бизда бундай имконият бўлса, тажрибали мутахассислар, албатта топилади. Ҳозир мавжуд техникадан кадрлар имкон борича фойдаланишяпти. Муаммони бартараф этиш учун биз суратга олган мультфильмларимизни сотишни йўлга қўйиш ва бирлашма фондини маблағ билан таъминлашга кўмаклашиш керак. Шу билан бирга, маҳсулотларимизни реклама қилиш, турли буклетлар яратиш, мультфильм қаҳрамонларининг расмлари бор китоблар чоп этиш лозим. Бу ишни жамоа ҳал этиши керак.

— Мустақилликка эришганимизга ўн етти йил тўлди. Лекин болаларга ўрнак бўла оладиган миллий мультфильм қаҳрамони ҳамон яратилганича йўқ. Бунинг сабаби сценарийларнинг мукаммал эмаслигидами ёки режиссёрларнинг бу ишга жиддий киришмаётганидами?

— Бунинг сабаблари кўп. Келинг, улардан бири ҳақида фикрлашайлик. Ўзбекистонда истеъдодли ёзувчилар кўп. Лекин доимо сценарий муаммосига дуч келамиз. Сценарий тақчиллигидан танлаш имконияти деярли йўқ. Гоҳида ўзимиз сценарий ёзишга мажбур бўламиз. Мультфильм учун ёзилаётган асарларнинг кўпчилиги талаб даражасида эмас ёки томошабинларимиз руҳиятига мос келмайди. Таниқли ёзувчиларимиз эса мультфильм сценарийси ёзишни эп кўришмайдими ёки бунга майда иш деб қарашадими, ҳар ҳолда улар болаларни унутиб қўйишяпти, шекилли.

Азим РЎЗИЕВ,
"Hurriyat" мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 февралдаги «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2008 йил 28 ноябрдаги "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонлари ижросини таъминлаш мақсадида

акциядорлик-тижорат "ПАХТА БАНК"

Республика аҳолисига миллий ва хорижий валютадаги муддатли ва жамғарма омонат турларини таклиф қилади.

Омонатлар бўйича ҳисобланган фоизли даромадингиз биринчи талабдаёқ берилади.
Унутманг, Сизнинг омонатга қўйган пул маблағларингиз "Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, жисмоний шахсларнинг тижорат банклари депозит ҳисобварақларига жойлаштирилган пул маблағлари давлат томонидан ҳимояланган ва фуқароларнинг омонатлари бўйича ҳақ тўлашнинг ишончли кафолатлари қонунан юз фоиз таъминланади!
"Пахта Банк" омонатларига қўйилган пул маблағлари декларация қилинмайди ҳамда омонатчи ва унинг пул маблағлари ҳақидаги маълумот банк сири ҳисобланади.

№	Омонат	Фоиз ставкаси	Омонат шартлари
	МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДА		
1.	***Талаб қилиб олингунча***	***5%*** *талаб қилиб олгунча*	*Маблағлар нақд ва нақд пулсиз чекланмаган муддатга қабул қилинади ҳамда омонатчининг биринчи талабидаёқ берилади.*
2.	***"РАВНАҚ"***	***18%*** *жамғарма*	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 12 ой; — Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади; — Олинмаган фоизлар асосий суммага қўшилади (капитализация қилинади); — Маблағлар қабул қилиш муддати 05.01.2009; — Омонатнинг сақлаш муддати тугаганидан сўнг йиллик 3 фоиз миқдорида бонус ҳисоблаб берилади.
3.	***"ЗАМИН"***	***18%*** *жамғарма*	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 3, 6, 9 ва 12 ой; — Фоизлар ҳар 3 ойда тўлаб борилади; — Олинмаган фоизлар асосий суммага қўшилади (капитализация қилинади); — Маблағлар қабул қилиш муддати 16.01.2009; — Омонатнинг сақлаш муддати тугаганидан сўнг йиллик 3 фоиз миқдорида бонус ҳисоблаб берилади.
4.	***"НУР"***	***18%*** *муддатли*	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 1, 2 ва 3 ой; — Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади; — Маблағлар қабул қилиш муддати 20.02.2009; — Омонатнинг сақлаш муддати тугаганидан сўнг йиллик 2 фоиз миқдорида бонус ҳисоблаб берилади.
5.	***"ҲУМО"***	***16%*** *муддатли*	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 2 йил; — Дастлабки 3 ой учун фоизлар олдиндан бўнак тариқасида, кейинги муддат учун эса фоизлар ҳар ойда берилади; — Маблағлар қабул қилиш муддати 10.02.2009; — Омонатнинг сақлаш муддати тугаганидан сўнг йиллик 8 фоиз миқдорида бонус ҳисоблаб берилади.
6.	***"ФАРОВОНЛИК"***	***16% — 18%*** *муддати*	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 3 ва 6 ой; — Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади; — Олинмаган фоизлар асосий суммага қўшилади (капитализация қилинади); — Маблағлар қабул қилиш муддати 31.12.2008; — Ушбу омонат тури бўйича бонус жорий қилинган.
7.	***"САҲОВАТ"***	***18%*** *муддатли*	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 1 йил; — Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади; — Маблағлар қабул қилиш муддати 31.12.2008; — Ушбу омонат тури бўйича бонус жорий қилинган.
8.	***"МАИШИЙ ТЎЛОВ"***	***18%*** *жамғарма*	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 2 йил; — Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда коммунал тўловларга ўтказиб берилади; — Маблағлар қабул қилиш муддати 31.12.2008.
9.	***"БОЛАЛАР КЕЛАЖАГИМИЗ"***	***12%—18% гача*** *жамғарма*	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 1, 2, 3, 4 ва 5 йил; — Фоизлар ҳар 3 ойда тўлаб борилади.
10.	***"НАВНИҲОЛ"***	***МБ қайта молиялаш ставкасида*** *жамғарма*	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 1 йил; — Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади; — Мазкур омонат ёши 16 дан 25 гача бўлган ёшлар учун очилади; — Қўйилган маблағлар миқдори муддати тугагандан сўнг 50000 сўмдан ошган бўлса, жами тўланган даромаддан 10% қўшимча даромад берилади.
11.	***"ЁШЛИК"***	***18%*** *жамғарма*	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 1, 2, 3, 6, 9, 12, 15 ва 18 ой; — Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.
12.	***ҲОСИЛ***	***19%*** *жамғарма*	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 1, 2, 3 ва 4 ой; — Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади; — Маблағлар қабул қилиш муддати 31.12.2008.
13.	***"МАДАДКОР"***	***18%*** *муддатли*	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 1, 2, 3, 6, 9, 12, 15 ва 18 ой; — Ҳар ой учун ҳисобланган фоиз омонатчига олдиндан тўлаб берилади.
14.	***"МУДДАТЛИ"***	***16%*** *муддатли*	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 6 ой ва 1 йил; — Фоизлар муддат тугаганидан кейин тўланади.
15.	***"МУДДАТЛИ"***	***18%*** *муддатли*	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 3 ва 5 йил; — Фоизлар омонат очилган кундан бошлаб бир йилдан сўнг тўлаб берилади, қолган даврлар учун ҳисобланган фоизлар ҳам шу тартибда тўлаб борилади.; — Олинмаган фоизлар омонатнинг асосий суммасига тўланиш даврийлигига қараб қўшилиб борилади.
16.	***"ОҚ ОЛТИН"***	***18%*** *муддатли*	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 6 ой; — Ҳар ой учун ҳисобланган фоиз омонатчига олдиндан тўлаб берилади
17.	***"ПАХТАКОР"***	***16%*** *муддатли*	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 3 ой; — Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.
18.	***"БАРАКА"***	***12% — 18%*** *муддатли*	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 3, 6, 9 ва 12 ой; — Фоизлар аванс тариқасида (олдиндан) ёки босқичма—босқич омонатчиларга берилади.
19.	***"БАҲОР"***	***18%*** *муддатли*	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 9 ой; — Фоизлар ҳар 3 ойда тўлаб борилади.
20.	***ИСТЕЪМОЛ ОМОНАТ***	***10%*** *муддатли*	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 3 йил; — Ҳисобланган фоизлар "Истеъмол кредити"га ҳисобланган фоизларни сўндириш мақсадида ҳар ойда ўтказиб борилади;.
21.	***ЭГАСИНИНГ НОМИ КЎРСАТИЛМАГАН***	***18%*** *жамғарма*	— Омонатнинг суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 3, 6, 9 ва 12 ой; — Маблағлар қабул қилиш муддати 01.04.2009; — Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.
22.	***ЭГАСИНИНГ НОМИ КЎРСАТИЛМАГАН***	***19%*** *муддатли*	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 3, 6, 9 ва 12 ой; — Маблағлар қабул қилиш муддати 01.04.2009; — Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.
	ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДА		
1.	***"ЧАШМА"***	**АҚШ долларида 7%** *муддатли* **ЕВРОда 6%** *муддатли*	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 3, 6, 9 ва 12 ой; — Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади; — Маблағлар қабул қилиш муддати 31.12.2008.
2.	***"ЭЗГУ"***	**АҚШ долларида 7%** *муддатли* **ЕВРОда 6%** *муддатли*	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 3, 6, 9 ва 12 ой; — Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади; — Маблағлар қабул қилиш муддати 30.12.2008.
3.	***"СЕВИНЧ"***	**ЕВРОда 8%** *муддатли*	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 3, 6, 9 ва 12 ой; — Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади; — Маблағлар қабул қилиш муддати 30.12.2008; — Фоизлар Марказий банк курси бўйича сўмда тўланади.

Қўшимча маълумот учун (8.371) 150-85-27 ва 150-53-65 телефон рақамларига қўнғироқ қилишингиз ҳамда "Пахта Банк"нинг исталган филиалларига мурожаат этишингиз мумкин. *www.pakhtabank.com*

ДИЛ СЎЗЛАРИ

ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ
STATE COMMERCIAL PEOPLE-BANK
BANK
XALQ BANKI

Акциядорлик-тижорат “Халқ банки” бошқаруви ва жамоаси

элимизни, ўзининг барча акциядорларини, мижозлари ҳамда ҳамкорларини умумхалқ байрам 8 декабрь — Конституциямиз қабул қилинганлигининг 16 йиллиги билан чин юракдан табриклайди.

Бош қомусимиз ҳар биримизнинг ҳаётимизда нурли маёқ вазифасини ўтайди. У туфайлигина ИНСОН ҳуқуқи устуворлиги ва муқаддаслиги таъминланган.

Ушбу қувончли кунлар арафасида эса халқимиз яна бир муқаддас айём — Қурбон ҳайитини ҳам нишонлашга ҳозирлик кўрмоқда.

Она тупроғимиздан файзу барака ҳеч қачон аримасин!

Халқ банки — Халқ билан!

МУ

“Матбуот маркатувчи” АК жамоаси

ватандошларимизни 8 декабрь —

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллиги

билан чин қалбдан табриклайди. Юртимиз осмони ҳамиша мусаффо бўлсин.

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

Корхоналарнинг экспорт салоҳияти ошмоқда

бунда ТИФ миллий банки Бухоро вилоят бўлинмасининг ҳиссаси катта бўляпти

Мамлакатимиздаги молия муассасалари орасида Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг алоҳида ўрни бор. Мазкур молиявий муассаса республикамиз халқ хўжалигининг барча соҳаларига хизмат кўрсатиш билан бирга, юртимиз экспорт салоҳиятини оширишга ҳам муносиб улуш қўшиб келмоқда. Биз банкнинг Бухоро бўлинмаси фаолияти билан танишганимизда бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Молиявий муассасанинг 2008 йил 9 ойлик фаолияти ўтган йилнинг шу даври билан таққосланганида барча кўрсаткичлар бўйича ўсишга эришилганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Масалан, мижозлар сони 14618 тага, кредит қўйилмалари миқдори 4187,5 миллион сўмга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йўналишига ажратилган кредитлар миқдори 1453 миллион сўмга кўпайган. Энг муҳими, молиявий хизмат кўрсатиш даражаси яхшиланиб,

йилдан йилга такомиллашиб бормоқда. Шу боис мижозларнинг банкка бўлган ишончи ортяпти.

Банк ёрдамида хориждаги молия институтларининг кредит линиялари орқали чет эл сармоясини олиб иш юритаётган корхоналар ҳам кўп. Хусусан, жорий йилда "Пешкутекс" қўшма корхонаси Осиё Тараққиёт банкининг кредит линияси ҳисобидан 2998,7 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ олди. Ажратилган пулга Швейцариянинг "RIETER" фирмасидан пахта толасидан ип-калава тайёрлайдиган замонавий дастгоҳ олиб келинди. Айни пайтда жамоада ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 50 фоизи хорижга экспорт қилинмоқда. Янги линия ўрнатилгач, 97 та янги иш ўрни яратилди.

"Ле Уат де Бухоро" Ўзбекистон — Франция қўшма корхонасига ҳам Халқаро Молия корпорацияси кредити ҳисобидан тиббий пахта ишлаб чиқариш учун 950980 АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилди. Ҳозир бу ерда ишлаб чиқарилган тиббий пахта маҳсулотлари харидорларга манзур бўлмоқда. Тайёрланаётган маҳсулотларнинг асосий қисми экспортга жўнатиляпти.

Молиявий муассаса фаолиятидан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Мижозлар хорижий валютада кредит олиб иқтисодиётини тиклаб, импорт ўрнини босадиган, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда. Шу билан бирга, четдан келтирилаётган янги замонавий технологиялар ҳисобига юзлаб янги иш ўринлари ҳам яратиляпти. Энг асосийси банкдан кредит олиб экспортга маҳсулот жўнатаётган корхоналар сони кўпайиб бормоқда.

— Барча филиал ва мини банкларда "Ишонч телефон"лари рўйхати мавжуд бўлиб, улар одамларнинг эътибори тушадиган жойларга осиб қўйилган, — дейди банкнинг Бухоро бўлинмаси бошқарувчиси Жаҳонгир Маҳмудов. — Мижозларнинг ҳеч бир мурожаати эътиборсиз қолмайди. Улар назоратга олинади ва агар таклиф ўринли бўлса дарҳол ижро этишга киришилади. Бунинг учун масъул ходим тайинланган. Умуман мижозларнинг таклиф ва эътирозлари, ишимизга билдирилаётган ҳар қандай фикрлар юзасидан доимий равишда мониторинг ўтказилиб келинади. Кўрилаётган бундай чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Фаолиятимизга танқидий кўз билан қараш бизда одатий ҳолга айланган.

Банк фаолиятида ишлаб чиқаришга берилаётган маблағлар салмоқли ўрин эгаллаганлигини кўриш мумкин. Ажратилаётган кредитлар асосан ишлаб чиқаришни ривожлантириш, аҳолига зарур бўлган маҳсулотлар тайёрлашга йўналтириляпти. Жорий йилнинг ўтган 9 ойида миллий валютада 18 миллиард 362,9 миллион сўм миқдорида кредит берилган бўлиб, унинг 11 миллиард 103,7 миллион сўми узоқ муддатли ҳисобланади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Банкнинг кредит қўйилмалари таркибида мазкур йўналишнинг улуши 23,7 фоизни ташкил қилади. Бу кўрсаткич йилдан йилга ўсиб бормоқда.

Кредит ҳисобига иқтисодиётини тиклаб, харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқараётган тадбиркорлар кўп. Масалан, Жондордаги "Нозимбек" хусусий фирмаси раҳбари Латофат Хужжиева 50 миллион сўм кредит олиб, момиқ сочиқ ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Шу билан бирга, жамоада 15 та янги иш ўрни яратилди. Бухоро шаҳридаги "Зодиак—2000" фирмаси раҳбари Раъно Узоқова банкдан 50 миллион сўм миқдорида кредит олиб, иш юритишда фойдаланиладиган бланкалар тайёрлайдиган янги ускуналар олиб келиб ўрнатди. 11 та янги иш ўрни ташкил этилди.

— Маблағ сўраб ёзган аризам қисқа муддатда ҳал этилди, — дейди фирма раҳбари Раъно Узоқова. — Умуман банк хизматидан розимиз. Бу ерда нафақат турли хил молиявий хизматлар кўрсатилади, балки керакли маслаҳатлар ҳам берилади.

Банк жамоаси халқ хўжалигининг барча соҳаларига кўрсатаётган хизмат турларини тобора кенгайтириб бормоқда. Бу борада Президентимизнинг фармонлари ва ҳукумат қарорлари дастурилмал вазифасини ўтамоқда. Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 7 ноябрдаги "Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта хомашёси ва ғалла ҳосилини етиштиришда маблағ билан таъминлаш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида ғалла етиштириш учун 694 та фермерга 264,3 миллион сўм, пахта етиштириш учун 1003 та фермерга 9377,9 миллион сўм имтиёзли равишда кредитлар ажратилди. Кредит маблағларининг ўз вақтида берилиши натижасида минерал ўғит, техника воситалари учун эҳтиёт қисмлар, ёқилғи-мойлаш воситалари харид қилиниб, экинларга ўз вақтида ишлов берилди.

Жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида ғалла етиштириш учун 694 та фермерга 264,3 миллион сўм, пахта етиштириш учун 1003 та фермерга 9377,9 миллион сўм имтиёзли равишда кредитлар ажратилди.

Мамлакатимиз Президентининг "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ўтган даврда 331 та оилага 500,3 миллион сўм, Иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси ҳисобидан 16 та оилага 25,2 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит маблағлари ажратилди. Пировардида соғин сигир билан таъминланган оилаларга барака кирди.

Банк бўлинмаси мижозлари ўз маҳсулотларини Европа ва Осиё давлатлари, Россия, Греция ва АҚШга экспорт қилмоқда. Улар тиббий пахта, ип-калава, нотўқима мато ва пахта толаси бўлиб, сифатлилиги ҳамда харидоргирлиги жиҳатидан хорижникидан қолишмайди. Шу боис, маҳсулотларга бўлган талаб ортиб бормоқда.

— Аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини омонатларга жалб этиш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда, — дейди банкнинг Бухоро бўлинмаси бошқарувчиси Жаҳонгир Маҳмудов. — Энг муҳими, одамларнинг банкка бўлган ишончи ортаётганлиги сабабли пулларини омонатларга қўйишяпти. Улар албатта, яхшигина даромад ҳам олишмоқда. Жорий этилган омонат турлари фуқароларга манфаатли бўлганлиги боис, жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига миллий валютадаги омонат миқдори 3830,6 миллион сўмни, хорижий валютадаги омонат миқдори эса 2129 минг долларни ташкил қилади.

Фуқароларнинг хориж валютасига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида ҳам уларнинг таклифлари мунтазам равишда ўрганилиб, аҳоли гавжум жойларда валюта айирбошлаш шохобчалари ташкил этилган. Масалан, ҳозир вилоятда бундай шохобчалар сони 13 та бўлиб, улар Бухоро, Когон ва Ғиждувон шаҳарларида ҳамда Вобкент туманида жойлашган.

Банкда кўрсатилаётган молиявий хизмат турларини кўпайтириш ва фуқароларга жаҳон андозалари даражасида хизмат кўрсатиш борасида мунтазам равишда иш олиб бориляпти. Айтайлик, бирон бир оиланинг ўғли

хорижда таҳсил олади ёки ишлаяпти. Уларга пул зарур бўлганда жўнатиш ёки олиш оила учун муаммо. Бундай пайтда банк хизматлари қўл келмоқда. Барча филиалларда "Western union", "Мигом" ва "Азия экспресс" пул ўтказиш тизимлари бўйича дунёнинг исталган жойига пул жўнатиш ёки улар орқали олиш мумкин. Бундай хизматдан фойдаланаётганлар албатта, хурсанд.

— Мен хорижда шартнома асосида ишлайман, — дейди асли Бухоро туманида истиқомат қиладиган Алишер Каримов. — Ҳар ойда оиламга пул жўнатиб тураман. Бир кундан кейин пулни олганларини телефон орқали биламан. Бу хизмат ҳар томонлама қулай ва ишончли. Тўғриси, Ўзбекистон банклари хизмат кўрсатиш даражаси, хизмат турлари бўйича хорижникидан асло қолишмайди.

Умуман банк жамоаси ўз фаолиятини йилдан йилга такомиллаштириб бормоқда. Шу билан бирга барча йўналишлар бўйича ишда олдинга силжиш кўзга ташланяпти. Буни ҳамма кўрсаткичлар мисолида яққол кўриш мумкин. Энг муҳими, жорий йилнинг ўтган тўққиз ойлик якунлари ўтган йилнинг шу даври билан таққосланганда ижобий натижалар қўлга киритилганлигига амин бўласиз.

Банк бўлинмаси жамоаси қўлга киритган натижалардан қониқиш ҳосил қилаётгани йўқ. Улар ўз олдига қўйилган вазифаларни бекаму кўст бажариб, янада янги марраларни қўлга киритиш учун бор имкониятини ишга солмоқда.

Ҳосил КАРИМОВ ®

САВОЛ-ЖАВОБ

Мулкни ҳадя қилиш тўғрисида

Мен умумий мулкдаги ўз улушимни бир танишимга сотмоқчиман. Бунинг учун қандай ҳужжатлар расмийлаштирилади? Шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг аризалари бошқа жисмоний ва юридик шахсларга топшириш тартиби ҳақида маълумот берсангиз.

Бекзод Ҳимматов,
Қибрай тумани.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 224-моддасида умумий мулкдаги улушни сотувчи ўз улушини ўзга шахсга сотиш нияти ҳақида бошқа мулкдорларга ёзма равишда маълум қилиб, улушнинг нархи ва уни сотишнинг бошқа шартларини кўрсатиши шарт. Ушбу қоидалар айрибошлаш шартномаси бўйича улушни бошқа шахсга бериш чоғида ҳам қўлланилади. Амалдаги қонунчиликда сотилаётган (ёки айрибошланаётган) улушнинг сотув нархи, бошқа шартлари, агарда банклардан олинаётган кредит ҳисобига сотилаётган бўлса, бу ҳақда барча маълумотларни, сотув нархини бўлиб-бўлиб олишга келишилади. Муддатлар ҳақида, аризани олган кунидан эътиборан қанча муддатда нотариал идорага келиб имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқидан фойдаланиши ёки фойдаланмаслиги ҳақида ариза бериши мумкин. Шунингдек, бошқа маълумотларни улушли мулк эгаси умумий мулк эгаларига ёзма аризасини нотариусга келиб манфаатдор фуқароларга нотариал идора орқали топшириши мумкин. Бу мулкнинг барча иштирокчилари розилиги билан амалга оширилади. Ўз улушини ҳадя қилмоқчи бўлган мулк эгаси барча керакли маълумотларни кўрсатиб, тўлиқ ёзилган аризасини умумий биргаликдаги мулкнинг барча иштирокчиларига алоҳида топширишини сўраб нотариусга мурожаат қилиши даркор.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 24-моддасига асосан никоҳ даврида олинган мулкни тасарруф этилишида мулк эгаси турмуш ўртоғининг нотариал тартибда тасдиқланган розилик аризаси талаб қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 540-моддасига кўра, мулк ижараси шартномасида тарафлардан ҳар бири бошқа тарафни бир ой олдин, кўчмас мулк ижараси шартномасида эса – уч ой олдин ёзма равишда огоҳлантириб, истаган тараф нотариал идора орқали ушбу ҳақдаги аризасини иккинчи тарафга топшириши мумкин.

Унда жисмоний ва юридик шахсларнинг аризаларини олиб бошқа жисмоний ва юридик шахсларга топшириш тартиби белгиланган. Аризалар нотариал идорага камида иккита нусхада тақдим этилади. Улардан бири топширилганлигини маълум қилиш шарти билан почта орқали юборилган ёки бевосита тегишли шахсларга имзо чектириб топширилади. Бошқа нусхаси нотариал идорага қолдирилади.

Ариза почта орқали юборилган тақдирда у олувчига нотариуснинг ҳисобли хати билан юборилади. Кузатув хатининг нотариал идора ишида қоладиган нусхасига шу аризанинг берилганлиги қайд этилган реестрнинг рақами кўрсатилади ва давлат божи тўлаганлиги ёзиб қўйилади.

Дилноза АДИЛОВА,
Юнусобод тумани 1-сонли давлат нотариал идораси нотариуси.

16 yil

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИ

юртимизнинг барча фуқароларини 8 декабрь — Бош қомусимиз қабул қилинганлигининг 16 йиллиги билан чин дилдан табриклайди.

Осмонимиз тинч, мамлакатимиз келажаги порлоқ бўлсин!

ДУНЁДА НИМА ГАП?

МОЗИЙ СИРЛАРИ

Хожа Илғор ким бўлган?

Мустақиллик шарофати туфайли маънавиятимиз сарчашмаси бўлган улуғ боболаримизнинг мангу қарор топган жойлари таъмирланиб, ободонлаштирилаётганлиги, зиёратгоҳларга айлантирилаётганлиги қалбларга ўзгача шукуҳ бахш этмоқда. Шу боисданми, халқимизнинг ўз юрти, тили, маданияти, қадриятлари тарихини билишга, ўзлигини англашга қизиқиши ортиб бормоқда.

Ёзувчи ва журналист Шомурот ШАРОПОВ истиқлол йилларида авлод-аждодларимизнинг кимлиги, насл-насаби, қишлоқ, шаҳар... хуллас, Ватанимиз тарихи, Насаф ва кешлик алломалар ҳаёти ва ижоди ҳақида қатор илмий рисолалар ёзди. Улар орасида «Касби шаҳар бўлганми ёхуд ҳазрат Султон Мирҳайдар ҳақида ривоят ва ҳақиқат», "Хожа Илғор ҳақида ривоят", «Насафнинг муқаддас зиёратгоҳлари», «Омонхона мўъжизалари» сингари катта меҳнат, ақл-заковат билан ёзилган илмий асарлари бор.



— Қайси даврга мансуб бўлмасин, ҳар бир миллатнинг фахр-ифтихори, энг аввало, фозил алломаларининг жаҳон илм-фан, маданияти равнақига қўшган ҳиссаси билан ўлчанади ва қадрланади. Ушбу ақидадан келиб чиқиб қарайдиган бўлсак, кўҳна Мовароуннаҳр азалдан илму фан, зиё ва маърифат маскани сифатида машҳур бўлган. Бу табаррук заминдан етишиб чиққан алломаларнинг саноғига етиш қийин, — дейди суҳбат аввалида тадқиқотчи Шомурот Шаропов.

— Дарҳақиқат, истиқлол шарофати боис буюк алломаларимизнинг ҳаёти ва ижодини чуқур ўрганишга, уларнинг таваллуд айёмлари халқаро миқёсда нишонланиб, асарларини нашр қилиш каби хайрли ишларга кенг йўл очилганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Китобхонларимизга дунёга маълум ва машҳур аллома, файласуф имом Абул Мўъийн ан-Насафий ҳақида батафсилроқ маълумот берсангиз?

— Мустақиллик иноятидан миллий қадриятларимиз тикланганлиги, заминимизда яшаб ўтган алломаларнинг илмий мероси устида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар келажакда фарзандларимизнинг маънавиятини юксалишида муҳим аҳамият касб этади, албатта. Дунё илми тараққиётига муносиб ҳисса қўшган юзлаб Насафий, Кеший, Касбавий, Баздавий, Баладий, Кожорий, Ғубдиний, Косоний нисбали алломаларимиз ўзлари яратган асарлари билан олам аҳлини лол қолдирган. Минг афсуски, мустабид тузум сиёсати мафкураси аждодларимиз илмий фаолиятини инкор этиб келди. Натижада авлодлар ўз аждодларининг маънавий меросидан бебаҳра қолаверган.

Қашқадарё воҳаси заминида жойлашган баъзи зиёратгоҳлар, қадамжолар, қадимий манзилгоҳлар ҳақида аср муаррихи Абдулкарим ас-Самъонийнинг "Насабнома" асарида баён этилган. Қадимда ҳозирги Қашқадарё вилояти ҳудуди икки — Насаф ва Кеш вилоятларига бўлинган. Бинобарин, шу заминда таваллуд топган алломалар ўзларига Насафий ва Кеший нисбасини қабул этишган. Ҳозирда юзлаб насафийлар мероси илмий асосда чуқур ўрганилиши, тадқиқ этилиши тадқиқотчиларни кутиб турибди.

Абул Мўъийн ан-Насафийнинг ёшлиги ҳозирги Қарши туманидаги қадимий Қовчин қишлоғида кечган. Буни асрлар давомида қад ростлаб турган улкан мақбара "Ҳазрат имом Мўъийн" зиёратгоҳи мажмуасидан ҳам билса бўлади.

Тарихий манбаларда келтирилишича, алломанинг илмнинг турли соҳаларига оид — «Ал Умда фи усул ал фиқҳ», «Баҳр ал Калон фи илм ал-Калом», «Табсират ал-адиллати фи илм ал-Калом», «Ат-Тамҳид ли-қавоъид ат- тавҳид» каби ўн бешга яқин асарлари сақланиб қолган. Айниқса, Абул Мўъийн Насафийнинг "Табсират ал-адилла" номи билан машҳур бўлган асари аллома номини улуғлаб, асрлар оша довруғини достон қилган. Асар тўлалигича «Дин усулларини имом Абу Мансур ал-Мотуридий тариқатига биноан далиллар билан шарҳлаш» деб аталади. Мотуридий мактаби вакили бўлмиш улуғ файласуф олим Абул Мўъийн ан-Насафий 2009 йилда ҳижрий ҳисобда 1000 ёшга тўлади. Асарлари Тошкент шарқшунослик институти ҳамда Тошкент ислом университети олимлари томонидан ўрганилиб, китоб ҳолида чоп этилмоқда. У кишининг муборак таваллуд айёми воҳамизда нишонланса, энг улуғ ва ибратли ишлардан бири бўлур эди.

— Соҳибқирон Амир Темур ҳақида қайси давраларда сўз юритилмасин, албатта, жаҳонгир туғилган Хожа Илғор қишлоғини ҳам ёдга олишади. Нега бу масканни Хожа Илғор деб аташган? Хожа Илғор тарихий шахсми? Буюк саркарданинг шу манзилда таваллуд топишида бирор сир йўқмикан?

— Яккабоғда ижодий сафарда бўлганимда, соҳибқирон туғилган қишлоқ ва Хожа Илғор шахси билан қизиқдим. Бу ерда қадимда бир неча масжиду хонақоҳлар фаолият кўрсатган. Аҳоли зич яшаган. Кейинчалик турли сабабларга кўра аҳоли бўлиниб, шу атрофда бир нечта қишлоқлар вужудга келган.

Ислом юриши даврида Қутайба ибн Муслимнинг асли Макка шаҳридан бўлган Муҳаммад ибн ал-Қосим исмли саркардаси ўз лашкарлари билан бу атрофда биринчи бўлиб шу қалъани қўлга киритганлиги ҳақида халқимиз орасида турфа ривоятлар юради. Биз ҳозирда Хожа Илғор деб келаётган шахснинг асл исми юқорида тилга олганимиз Муҳаммад ибн ал-Қосим бўлган. Бу киши Муҳаммад (с.а.в) нинг ёш саҳобаларидан бири бўлган экан. Пайғамбаримизнинг сафдошларидан бўлганликлари сабабли, у кишини эъзозлаб «Хожа» деб атаган эканлар. Вақт ўтиши билан «хожа» сўзи маҳаллий тилга мослаштирилиб «хўжа» деб юритилган. «Хожа Илғор» атрофида тўртта чашма — Қўшчашма, Каттачашма, Совуқбулоқ ва Амир Темур чашмаси бор.

Ўша пайтлари Тарағай Баҳодирнинг энг яқин қариндошларидан бири амир Чоку Насаф вилоятининг Занжирсарой номли обод гўшасида истиқомат қилиб, улуғ лавозимларнинг бирини эгаллаб турган. Амир Чоку Тарағай Баҳодирнинг узоқ сафарда эканлигини эшитиб, қариндошининг оила аҳлидан хабар олгани бораётиб, Хожа Илғордаги булоқ яқинида туғилган Амир Темур ва Тегинабегимни учратиб қолади. Амир Чоку Тарағай Баҳодир фарзанд кўрганлигидан воқиф бўлгач, Кешга бормай, она-болани дарҳол ўзи билан бирга Занжирсаройга олиб кетади. Лекин баъзи тадқиқотчилар қарашида Амир Темурни Занжирсаройда туғилган деган фикр-мулоҳазалар ҳам бор. Амир Темур Занжирсаройда маълум муддат яшагани ростдир, аммо киндик қони тўкилган маскан Хожа Илғор қишлоғидир. Темурнинг Занжирсаройга меҳри ортиб қолиши болалик йилларининг ўша ерда ўтганидан ҳамда суюкли хотини Бибихонимнинг Занжирсаройда туғилганидан бўлса, не ажаб.

> *Қадимда ҳозирги Қашқадарё вилояти ҳудуди икки — Насаф ва Кеш вилоятларига бўлинган. Бинобарин, шу заминда таваллуд топган алломалар ўзларига Насафий ва Кеший нисбасини қабул этишган. Ҳозирда юзлаб насафийлар мероси илмий асосда чуқур ўрганилиши, тадқиқ этилиши тадқиқотчиларни кутиб турибди...*

— Бобомиз Амир Темур ўзининг пири деб Шамсиддин Кулолни санаган ва у киши вафотидан сўнг, Кешда пирлари шарафига мақбара қурдиртирганлиги тарихдан маълум. Аммо... шайх Амир Шамсиддин Кулол ва бухоролик Саййид Амир Кулол аслида битта шахс бўлган деган қарашлар баҳсмунозараларга сабаб бўлмоқда. Сиз бунга нима дейсиз?

— Қарши шаҳри яқинидаги Мирмирон қишлоғида соҳибқирон Амир Темурнинг пирларидан бири — шайх Шамсиддин Кулолнинг отабоболари яшаб келишган. Шамсиддин Кулол ҳам шу қишлоқда туғилган. Жаҳонгирнинг отаси Кеш ва Насаф вилоятларида ҳоким бўлган йиллари шайх Шамсиддин Кулолни ўзига пир сифатида қабул қилганлар. Ёш Амир Темур исломий ва дунёвий илмларни Шамсиддин Кулолдан олган ҳамда устозини ўзининг биринчи пири деб билган. Юқорида таъкидлаб ўтганингиздек, олимлар даврасида гап кетганда Касбидаги Амир Шамсиддин Мирҳайдар, қабри Шаҳрисабзда бўлган шайх Амир Шамсиддин Кулол ва бухоролик Саййид Амир Кулол аслида бир шахс бўлган деган баҳслар бўлади. "Темур тузуклари" асарида кўрсатилишича, "Амир Темур отланиб Амир Кулолнинг ҳузурига бордим", деган гапига изоҳ берилиб: "Саййид Амир Кулол ёки Шамсиддин кулол... Кешда дафн этилган" деб кўрсатилган. Демак, бу ерда Амир Кулол ва Шамсиддин Кулол бир шахс деб қаралмоқда. Бу эса тарихий манбалар берилаётган фактларга мос эмас. Саййид Амир Кулол ва Шамсиддин Кулол бошқа-бошқа шахслар бўлиб, аслида Амир Кулол муршид ва Шамсиддин Кулол мурид бўлган. Ибн Арабшоҳ "Амир Темур тарихи" асарида Шамсиддин Кулолни «Шамсиддин ал-фахурий» (фахур — арабча сўз бўлиб кулол деган маънони англатади) дейди ва шундай ёзади: Темур доимо: "Салтанатдан эришган жамики нарсани ва мустаҳкам маконларни фатҳ этишим — буларнинг ҳаммаси шайх Шамсиддин ал-фахурийнинг фазоси... туфайли", — деган. Демак, Амир Темур ўзининг пири деб Шамсиддин Кулолни ҳисоблаган ва у киши ўлгандан сўнг Кешда мақбара қурдирган. Ҳозирда Шаҳрисабзда бўлган Ҳазрат Шайх зиёратгоҳида Ҳазрат Саййид Амир Кулолнинг асҳобларидан бўлган шогирди Шамсиддин Кулолнинг қабри жойлашгандир.

— Улуғбек Мирзо ҳам соҳибқирон Амир Темур бобоси сингари Шаҳрисабзда ўзига ва ўзининг муборак дилбандларига атаб мақбаралар бунёд этганлигини яхши биламиз. Ушбу мақбараларга қайси тарихий шахсларнинг муқаддас ҳоки қўйилган?

— Амир Темур ҳазратлари ўз даврида Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) авлодлари бўлмиш саййидларни юксак қадрлаб, доимо ўз тахтининг ўнг томонидан ўрин бериб эъзозлаганлигини кўпчилик билади. Болалигидан Амир Темур бобосининг тарбиясини олган Улуғбек Мирзо ҳам подшолиги даврида саййидларнинг ҳурматини албатта, ўз жойига қўйгани ҳеч кимга шубҳа уйғотмайди. Улуғбек бобоси сингари Шаҳрисабз шаҳрида ўзига ва ўзининг фарзандларига атаб мақбара бунёд этганлиги рост. Буни мақбара деворидаги битиклар тасдиқлайди.

859 ҳижрий (1456-57й.) Жумадул аввал ойининг 26 сида ўша пайтлари саййидларнинг энг нуфузли вакили саналган Султон Садат Абул-Маолий Шаҳрисабзда вафот этади. Шаҳрисабз уламолари Улуғбек ўз авлодлари учун қурдирган мақбара бўшлигини инобатга олишиб, бу улуғ зотни шу мақбарада дафн этишади. Шундан бери бу мақбара «Гумбази саййидон» ёки «Саййидлар Гумбази» деб аталган ва кейинчалик бу ерга шаҳрисабзлик бошқа саййидлар ҳам дафн этилган.

— Сиз Насафнинг муқаддас қадамжоларга айлантирилган кўҳна обидалар тарихини ўрганиш мақсадида узоқ йиллар давомида илмий изланишлар олиб боргансиз. Ушбу зиёратгоҳларнинг асотирий ёдгорликлари сизда ҳам ҳайрат уйғотган бўлиши табиий...

— Ҳақиқатан ҳам истиқлол йилларида миллий қадриятларимизга эътибор кучайди. Биргина Қашқадарё воҳасида Кўкгумбаз, Одина масжидлари, Оқсарой, Жаҳонгир Мирзо мақбаралари қайта таъмирланиб, асори-атиқаларни ўрганиш учун кенг имкониятлар яратилди. Вилоятнинг Касби туманидаги Ҳазрат Султон Мирҳайдар мажмуаси, Қамашидаги «Лангар ота", Китоб туманидаги "Ҳазрат Башир" ва Миришкор туманидаги "Исҳоқ ота" каби зиёратгоҳлар обод этилганлиги кишини қувонтиради. Ушбу зиёратгоҳлар ортида улуғ шахслар турибди. Масалан, Косон туманида косонийлар яшаб ўтишган. Косонийлар шажарасида ҳали ўрганилмаган қанча алломалар бор. Бундан ташқари бу меъморий обидаларда Шарқ амалий санъатига доир бежирим нақшлар, безатилган сопол қопламаларни кўриб, аждодларимизнинг илму ҳунарларига қойил қолади киши. Насафнинг тўртта дарвозасидан бири Ғубдин деб аталиши ҳам Ғубдин қишлоғини қадимийлигини англатади.

XX аср ўрталарида ҳозирги Қарши туманида жойлашган Шулукли тепа атрофи қадимшунослар эътиборига тушган. Бу тепа қадимги Насаф шаҳрининг ўрни эканлиги ҳақида қарашлар мавжуд. Нахшаб атрофида ўнлаб манзилгоҳ, кўрғонлар бўлганки, у ерларда ҳаёт қайнаган. Ҳозирда улардан баланд тепаликлар қолиб, улар — Таллисортепа, Лағмонтепа, Дағайтепа, Шўртепа, Кўчкайтепа, Паритонтепа, Қўштепа каби юзлаб номлар билан аталади.

Адиба УМИРОВА суҳбатлашди.

САЙЁҲЛАРГА ТОВОН ПУЛИ

Таиланд ҳукумати ўз манзилига кечиккан сайёҳларга товон пули тўлашга қарор қилди. Масалан, кечиккан ҳар 24 соат учун сайёҳлар 50 доллардан маблағ оладилар. Ҳозир мамлакатда 240 мингдан кўпроқ сайёҳ бор. Улар ҳукуматга мухолифат кучларнинг тўпалони туфайли уйларига қайта олмаяпти.

Мамлакат туризм вазири Ковасурат Таиланддаги сайёҳлик бизнесини қўллаб-қувватлаш учун 10 миллиард бат (280 миллион АҚШ доллари) ажратиш топишга қарор қилганини маълум қилди. Сўнгги хабарларга қараганда, қирролликка саёҳатга келмоқчи бўлган чет эллик сайёҳларнинг 80 фоизи йўлланмаларни туроператорларга қайтариб беришган.

Ҳозирда мамлакатдаги энг йирик аэропорт Субарнахумига ҳукуматга қарши кучлар келиши давом этмоқда. Улар бош вазирнинг истеъфога чиқишини талаб қилаяпти.

Дон-Муанг аэропортида эса кеча бомба портлади. Натижада бир киши ҳалок бўлди, икки киши жароҳатланди.

ЙЎЛДАГИ ЖАНГ

Кеча Покистоннинг Пешавор шаҳрида Афғонистондаги коалиция кучлар учун тоғли йўлларда юришга мўлжалланган Humvees машиналарини олиб келаётган юк машиналари колоннаси ўққа тутилган. Натижада 12 та юк машинаси бутунлай йўқ қилинган. Бу ҳақда Associated Press хабар тарқатди.

Ҳозирда Афғонистонга келтирилаётган юкларнинг 75 фоизи Карачи порти ва Пешавор шаҳри орқали олиб келинаяпти. Пешаворда эса "Ал-қоида" гуруҳининг катта кучлари жойлашган. Шу боис, коалиция кучлари учун келтирилаётган ҳарбий техника ва бошқа юкларни етказиб келиш тобора қийинлашиб бормоқда.

АСАР МЕРОСХЎРГА ҚАЙТАРИЛДИ

Франция ҳукумати Анри Матиссинг "Атиргул девор, Аяччодаги шифохона" асарини собиқ эгаси меросхўрларига топширди. Асар иккинчи жаҳон уруши даврида нацистлар томонидан ўғирлаб кетилганди. Меросхўрларга картинани Франция маданият вазири Кристин Альбанель тантанали суратда топширди.

Ушбу асар 1898 йили яратилган бўлиб, уни аввал франциялик бир киши сотиб олган. 1914 йилда асарни у Франкфуртда яшовчи бошқа бир кишига сотган. Кейинчалик картинани сўнгги эгаси Гарри Фулд сотиб олиб Францияга келтирган. Франция немислар томонидан босиб олингач, Гарри Фулд жуҳуд бўлгани учун қочишга мажбур бўлган. Асарни эса нацистлар Германияга олиб кетишган. 1951 йили картина Францияга қайтарилган, лекин унинг эгаси ким эканлиги маълум эмасди. "Атиргул девор, Аяччодаги шифохона" энди Халқаро қизил хоч ва қизил ярим ой жамиятига қарашли Исроилнинг "Иаген Давид Адом" ташкилотининг Лондон бўлимида сақланади.



НАТО БОШ КОТИБИ КИМ БЎЛАДИ?

Польшанинг собиқ президенти Александр Квасневский НАТО бош котиби бўлишга рози. "Мен Шимолий Атлантика альянсига раҳбар бўлишга рози бўлдим. Чунки халқаро лавозимлар орасида НАТО бош котиблиги менга жозибадор кўринди", деди у.

Квасневскийнинг таъкидлашича, НАТОга аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирлари у билан музокаралар олиб борган. Альянс бош котиблигига сайлов 2009 йилнинг апрелида бўлиб ўтади. 2004 йилдан буён ушбу лавозимни Голландиянинг собиқ ташқи ишлар вазири Яап де Хооп Схеффер эгаллаб турибди.

ЎЗ ПУЛИДАН ВОЗ КЕЧМОҚЧИ ЭМАС

Якшанба куни Еврокомиссия раиси Жозе Мануэла Баррозу француз радиосига берган интервьюсида "Жаҳонда юз берган иқтисодий инқироз нафақат евронинг энг мустаҳкам валюта эканлигини исботлади, балки Буюк Британияни ҳам еврога ўтишга ундади", деган эди. Кеча расмий Лондон Еврокомиссия раҳбарининг ушбу гапларини рад этди.

— Буюк Британия яқин ўртада ўз валютасидан воз кечмоқчи эмас, — деди мамлакат молия вазирлиги вакили.

ИСТАМБУЛДА ТЕРАКТ

Associated Press хабарига қараганда, кеча Истамбулда террорчилик ҳаракати амалга оширилди. Ҳақиқат ва тараққиёт партиясининг бўлимларидан бири жойлашган бино эшиги олдида содир этилган портлаш оқибатида беш киши турли даражада тан жароҳати олган.

Reuters хабарида айтилишича, жароҳат олганларнинг иккитаси полиция вакилларидир. Воқеа жойида қутқарувчилар ва тиббиётчилар иш олиб бормоқда.

Ҳақиқат ва тараққиёт партиясига амалдаги мамлакат бош вазири Режеп Эрдоғон раҳбарлик қилади.

ШВЕЙЦАРИЯДА БЎЛИМ ОЧДИ

Хитойдаги энг йирик банк Bank of China хусусий мижозлар билан ишлаш учун Швейцарияда ўз бўлимини очишга қарор қилди. Банкнинг Швейцариядаги бўлими директорлар кенгаши раиси Кеннет Генинг таъкидлашича, банк 2007 йилда Хитойда жисмоний шахсларга хизмат кўрсатишни бошлаган. Орадан бир йил ўтмасдан чет элликлар ҳам унинг хизматидан бахраманд бўлмоқда.

Bank of China 1912 йилда ташкил этилган. У Хитойдаги энг қадимги банк ҳисобланади. Bank of China дунёдаги 20 та йирик молия муассасасининг бири. Йигирмадан ортиқ мамлакатда унинг 500 дан кўпроқ бўлими бор. 2008 йилнинг учинчи чорагида банкнинг соф фойдаси 17,8 миллиард юан (2,6 миллиард доллар)ни ташкил этди.

ТАФСИЛОТ

Сомали қароқчилари

Бир пайтлар киноларда кўрган воқеаларимиз XXI асрда ҳақиқатга айланди. Ўша киноларда денгиз қароқчилари кемаларга ҳужум қилиб, экипаж аъзоларини гаровга олар ва пароход эгаларидан пул талаб қиларди. Лекин киноларнинг охирида воқеалар қароқчиларнинг мағлубияти билан тугарди. Афсуски, бугун ҳақиқий ҳаётда ундай бўлмаяпти. Дунё ахборот агентликлари деярли кунора қайсидир давлатга ёки компанияга қарашли фуқаро ва юк кемаси Аден кўрфазида сомалилик денгиз қароқчилари томонидан гаровга олингани ҳақидаги хабарларни тарқатмоқда. Лекин уларнинг озод қилингани тўғрисидаги ахборот жуда оз. Гаровга олинганлар узоқ муддат, баъзан йиллаб қароқчилар томонидан ушлаб турилибди. Қитъалараро учувчи ракеталарга, атом бомбасига эга бўлган йирик мамлакатлар, жаҳон ҳамжамияти денгиз қароқчиларига қарши ҳеч бир чора кўра олмаяпти. Нима учун? Умуман, бу қароқчилар кимлар ўзи? Уларнинг ортида қандай кучлар турибди?

Таҳлилчиларнинг фикрича, Сомали нафақат Африка қитъасидаги, балки дунёдаги энг камбағал мамлакатлардан бири. Бу ерда жорий йилнинг июль ойидаги маълумотларга қараганда 9,6 миллион нафар аҳоли истиқомат қилади. ЮНЕСКО маълумотлари бўйича, уларнинг 6,1 фоизигина ўқиш-ёзишни билади халос. Меҳнатга яроқли аҳолининг 80 фоизи қишлоқ хўжалиги билан банд. Экспортдан келадиган даромаднинг 80 фоизи четга тирик мол, гўшт ва тери сотишдан тушади. Сомали ҳудудида темир рудаси, уран, ванадий, кўрғошин каби табиий бойликлар бўлса-да саноат деярли ривожланмаган.

Мамлакатнинг бу аҳволга тушишига яқин тарихдаги учта воқеа сабаб бўлган. Биринчиси, ўтган асрнинг етмишинчи йилларида ҳукм сурган қурғоқчилик туфайли аҳолининг жуда кўп моллари қирилиб кетди. Иккинчиси, Эфиопия билан бўлган урушда мамлакатга бир миллион нафарга яқин қочқин келиб ўрнашди, оз бўлса-да ишлаб турган саноат корхоналари бутунлай издан чиқди. Учинчиси эса, 1991 йили Саид Барра режими ағдарилгандан сўнг мамлакатда бошбошдоқлик бошланди. Шундан буён фуқаролик уруши давом этиб келмоқда. Бир сўз билан айтганда, эгасизлик, турли қабилалар ўртасида ҳокимият учун кураш вазиятни шу аҳволга олиб келди. Таъкидлаш жоизки, Сомалида асосан дир, дарод, исаак, хавийе, дигил ва раханвайн қабилалари яшашади ва ҳокимият учун кураш ушбу қабилалар ўртасида авж олган. Улар орасидаги тўқнашувлар туфайли сўнгги йилларда 300 мингдан бир миллион нафаргача аҳоли қирилиб кетди.

Россиялик тадқиқотчи Александр Ткаченконинг таъкидлашича, 1990 йиллардан сўнг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти икки марта Сомалида тинчлик ўрнатишга ҳаракат қилиб кўрган, лекин бунинг уддасидан чиқа олмаган. Ҳозирда бу ерда битта Сомали ўрнида ўз ҳолича Сомали, Сомалиленд, Пунтленд ва Жубаленд деб аталувчи тўртта мамлакат пайдо бўлган. Уларни бирлаштириш эса осон эмас.

Албатта, бугун босқинчилик ва қароқчилик билан айнан кимлар шуғулланаётганини айтиш қийин. Бир қанча тахминлар бор холос. Масалан, улар яшаш учун бошқа имконияти бўлмаган денгиз қирғоғида яшовчи аҳоли ёки бирор қабила вакиллари бўлишлари мумкин.

Ўтиш ҳукуматига қарашли кучлар қароқчилик билан шуғулланаяпти деган тахминлар ҳам йўқ эмас. Гап шундаки, қилаётган ҳудудда аҳвол жуда оғир. Аҳоли оч-наҳор кун кечираяпти.

Таъкидлаш зарурки, аввалларидек денгиз қароқчилари кичик кемаларни гаровга олган ва уларга асосан кечалари, қоронғида ҳужум уюштирган бўлса, кейинги пайтларда улкан танкерлар ҳам улар ўлжасига айлана бошлади.

CNN телеканали тарқатган хабарга қараганда, ҳозир Аден кўрфазида 18 та денгиз қароқчилари гуруҳи мавжуд. Улар ихтиёрида 60дан кўпроқ тезюрар катерлар бор. Жорий йилнинг 11 ойида 100 га яқин кемага қароқчилар томонидан ҳужум уюштирилган. Уларнинг 26 таси йўловчи кемаларидир. Босқинчилар 700 денгизчини гаровда ушлаб туришибди. 2007 йилда улар Ҳинд океани ва Қизил денгизда 31 та кемани талон-торож қилишган эди. Энг афсусланарлиси, кўп ҳолларда қароқчиларнинг талаблари бажарилаяпти. Масалан, шу йилнинг 26 май куни босқинчилар Голландияга қарашли Lehman Timber кемасини гаровга олишди ва 1,1 миллион доллар пул талаб қилишди. Аммо голландлар 700 минг доллар беришга рози бўлишди. Шунингдек, Данияниng Switzer Korsakov кемаси билан ҳам шундай ҳол юз берди. Кема эгалари қароқчиларга 700 минг доллар тўлаб, кемаларини ва экипаж аъзоларини озод этишди. Умуман, қароқчилар сўнгги бир йилда 150 миллион доллар гаров пули ишлашга муваффақ бўлишган.

Бундан иштаҳалари очилган денгиз йўлтўсарлари 17 ноябрда Саудия Арабистонига қарашли Sirius Star нефть ташувчи супертанкерни қўлга олиб, 25 миллион доллар гаров пули талаб қилишди. Ушбу супертанкерда умумий нархи 100 миллион доллар турадиган 2 миллион баррел нефть бор. Агар у портлатиб юборилади деган бўлса, бутун кўрфазни нефть қоплаб, экологик фожиа юзага келиши аниқ.

Бундан сал олдинроқ Украинага қарашли "Фаина" кемасини ҳам қароқчилар гаровга олгандилар. Кемада 30 дан кўпроқ танк ва бошқа қуроллар борлигини айтадиган бўлсак, қароқчилар қўлига қандай хавфли юк тушгани ҳақида ўқувчида аниқ тасаввур ҳосил бўлади.

Айрим мутахассислар қароқчилардан қутилиш учун бошқа йўллардан фойдаланиш таклифини илгари сурмоқда. Аммо «Транссиб»ни ҳам, Шимолий денгиз йўлини ҳам Аден кўрфазига тенглаштириб бўлмайди. Африкани айланиб ўтиш эса узоқ ва оғир йўл ҳисобланади.

Қароқчилар шу пайтгача бемалол фаолият кўрсатиб келишганининг бир неча сабаблари бор, албатта. Аввало, БМТ томонидан 1982 йили қабул қилинган Денгиз ҳуқуқи конвенциясига биноан, бирор бир кемани таъқиб қилиб келаётган бошқа бир давлатнинг ҳарбий кемаси ўша давлатнинг рухсатисиз ушбу мамлакат ҳудудига кириш ҳуқуқига эга эмас. Шунинг учун, шу пайтга қадар бирор бир давлатнинг ҳарбий кемаси қароқчиларни таъқиб қилиб, Сомали ҳудудига кира олмас эди. Шу йилнинг 2 июнь куни БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши Аден кўрфазидаги вазиятни муҳокама қилди. Сомали ҳукуматининг илтимосига биноан бир овоздан бундан буён ушбу мамлакат ҳудудига барча давлатларнинг ҳарбий кемалари киришига рухсат берилди. Кўрфазда ҳозирда НАТО кучларига қарашли 15 та, шунингдек, Ҳиндистон, Малайзия, Корея, Россия ҳарбий кемалари кечаю кундуз навбатчилик қилаяпти.

Бундай қарасангиз, энди масалани ҳал этиш мумкиндек. Лекин қароқчиларга қарши барча кучларни бир жойга жамлайдиган ҳужжат, битта кўмондонлик бўлмагани учун ҳар бир кема алоҳида ҳаракат қилишга мажбур. Бу эса кураш самарасини камайтираяпти.

Эрта-индин Европа Иттифоқи Аден кўрфазида сомалилик қароқчиларга қарши "Аталант" амалиётини бошлайди. Бу ҳақда Франция ташқи ишлар вазири Бернар Кушнер Figaro Magazin журналига берган интервьюсида айтиб ўтган. "Бу "Еининг хавфсизлик ва мудофаа тизимида биргаликдаги сиёсати" дастури доирасидаги биринчи ҳарбий денгиз амалиёти бўлади", деди вазир.

Буюк Британия қўмондонлигида ўтадиган ушбу амалиётда ҳозирча еттита мамлакат ҳарбий денгиз кучлари иштирок этиш истагини билдиришди. Вазирнинг таъкидлашича, амалиёт фақат Аден кўрфази, Яман ва Сомали қирғоқларида бўлиб ўтади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, гиштқолипидан кўчди. БМТ томонидан қароқчиларга қарши курашиш учун қонуний асос яратилди. Эндиги вазифа кучларни тезроқ бирлаштириш ва курашни кучайтиришдан иборат.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

ASAKA BANK

Ҳурматли юртдошлар!

“Асака”

Давлат акциядорлик-тижорат (ОАЖ) банки жамоаси

Сизларни Бош қомусимиз қабул қилинганига 16 йил тўлиши ва яқинлашиб келаётган муқаддас айёмларимиздан бири — Қурбон ҳайити билан самимий табриклайди. Асосий қонунимиз буюк келажагимизни бунёд этишда дастуриламалимиз бўлса, ота-боболаримиз ардоқлаган қадриятлар қалбимизда ёниб турган нурдир.

“Асака” банки сизларга ва оила аъзоларингизга тинчлик-тотувлик, сиҳат-саломатлик, омад ва зафарлар тилаб, миллий ва хорижий валюталарда янги омонат турларини таклиф этади:

Миллий валютадаги омонатлар:

1.“ҲИМОЯ”
Сақланиш муддати — 1 йил.
Омонат бўйича йиллик 18% ҳисобланади.

2.“МАДАД-2009”
Сақланиш муддати — 6 ой.
Омонат бўйича йиллик 18% ҳисобланади.

Хорижий валютадаги омонат:

“ЕВРО-2008” еврода.
Сақланиш муддати — 6 ой.
Омонат бўйича йиллик 9% ҳисобланади.

Шунингдек, “Асака” банки сизларга 30 та миллий ва 18 та хорижий валютадаги омонат турларини таклиф этади.

Сизнинг омонатларингиз:
—маблағлар манбалари декларация қилинмайди;
—солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан озод;
—банк сири деб ҳисобланади;
—эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
—миқдори чекланмаган.

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.
“Асака” банки сармоянгизни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!
Барча омонатларингиз Ўзбекистон Республикаси “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни томонидан кафолатланади.
Мурожаат учун телефонлар:
(8 371) 120-39-63, 120-39-81, 120-39-57



Барча хизматлар лицензияланган.

ЖАРАЁН

3 ДЕКАБРЬ – ХАЛҚАРО НОГИРОНЛАР КУНИ

Ҳаёт синовларини енгиб

Инсон умри ниҳоятда гўзал бўлиши билан бирга аччиқ изтиробларсиз ҳам холи эмас. Бу дунёда кимдир соғлом бўлиб туғилса, кимгадир қисмат кемтикликни раво кўради. Айримлар иш жараёнида, хизмат вақтида арзимаган эҳтиётсизликка йўл қўйиши оқибатида бутун умр ногиронлик азобини тортишга мажбур бўлишади. Тўғри, ногиронлик оғир қисмат, лекин бу ҳам ҳаётнинг бир синови.

Ҳақиқий инсон эса ҳаётнинг бу тўсиқларини мардонавор енгиб, кўзлаган мақсадлари сари дадил қадам ташлайверади. Минг бир қийинчиликларга қарамасдан яшаш учун курашаверади. Ҳатто орамизда шундай инсонлар борки, жисмоний заифлигига қарамасдан айрим соғлом кишиларга ўрнак бўлиб, Ватан, эл-юрт учун жон куйдириб яшайди.

Ўтган йиллар мобайнида аҳолининг кам таъминланган қатлами, чунончи, ногиронларнинг ҳам ижтимоий муҳофазаси давлатимизнинг доимий ғамхўрлигида. Уларнинг бошқалардан кам эмаслиги, жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси эканлиги амалий исботини топиб бормоқда. Буни биргина ўтган йили футбол бўйича ампутантлар ўртасида Туркияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида йигитларимиз чемпионликни қўлга киритганлиги ҳам исботлаб турибди. Қолаверса, ҳукуматимиз томонидан ногиронларни қўллаб-қувватлаш мақсадида уларни ишга жойлаштириш, ўқишга қабул қилиш ва ҳунар ўргатиш изчил йўлга қўйилган. Бу ҳақда Тошкент вилояти ногиронлар жамияти раиси, I-гуруҳ ногирони Абдумўмин Абдувалиев шундай дейди: "Халқимизда "Бир қўлинг қилган савобни иккинчиси сезмасин" деган нақл бор. Аммо давлатимиз томонидан қилинаётган чексиз ғамхўрликларни, ҳомийларимизнинг беқиёс мурувватини қувонч билан тилга олмасликнинг иложи йўқ. Олмалиқ шаҳрида яшовчи I- гуруҳ ногирони, тадбиркор Сирожиддин Абдуллаев эса ўз қувончларини яшира олмайди.

— Мамлакатимизда биз каби инсонларга қилинаётган эътибордан кишининг кўнгли тоғдек кўтарилади, — дейди у. — Мен айни пайтда тадбиркорлик билан шуғулланаман. Ўз ишимни йўлга қўйишим учун яратилган шарт-шароитдан миннатдорман. Бугун ҳеч кимдан кам эмасман. Қурилиш моллари ишлаб чиқарадиган корхонам бор. Савдо-сотиқ билан ҳам шуғулланаяпман. Одамларга хизматим сингаётгани мени қувонтиради.

Дарҳақиқат, ҳаёт синовларини енгиб, умрининг ҳар лаҳзасидан бахт топаётган бундай инсонларни кўрганда уларнинг матонатига лол қоласан, яшашга бўлган иштиёқинг янада ошади.

Ислом СУЛТОНОВ,
"Hurriyat" мухбири.

Бухоро юридик ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежи жамоаси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ

Бутун Ўзбекистон халқини мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинган кун — 8 декабрь билан чин дилдан муборакбод этади.

Барчага сиҳат-саломатлик, муваффақият тилайди.

Конституциямизда ўқиш ва билим олиш ҳуқуқи кафолатланган.

Бугунги ёшлар эса — эртамиздир. Келажагимиз нурли бўлсин!

NBU

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкнинг Фарғона бўлими жамоаси

юртимиз аҳолисини мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллиги билан самимий муборакбод этади. Барчага соғлик-саломатлик, муваффақият тилайди.



Қайғу

Чекаман, тутундай ўрлайди алам,
Ичимда тимдалаб ўрмалар оғу.
Кўкрагим ачишиб терлайди баъзан,
Бу юрак йиғиси —
Биладими у...

Қўлим сочларида тун талашсайди,
Лабларим юзида терса юзта ноз.
Кипригим киприги ўралашсайди,
Асло узилмаса қолса шу алфоз.

Аслида олдинроқ келиб қўйганман
Ва уни кутганман
Ишқни майдалаб.
Саҳродан саҳрога кўчиб ийганман,
Мангу севмак учун
Порлаб қайтадан.

Абдували ҚУТБИДДИН

Қонимда ҳайқирган севгисан, мангу

НАЗМ

Дамлар жуда қисқа, тиғиз ва тахир,
Тошиб бормоқдаман,
Гувиллар ёҳу.
Қаддим ерга букар харсангтош бағир,
Қаттиқ соғинганман,
Биладими у...

Ибодат

Сиз мени қасддан соғинмаяпсиз,
Мажолсиз, узала ётиб сабрга...
Илоҳий севгига сиғинмаяпсиз,
Суҳбат қураяпсиз маккор жабр-ла...

Қарғадай атайлаб тушунмаганлар,
Анбар кўнгилларни титиб яшарлар.
Лайли арвоҳидан учунмаганлар,
Бизни ямлагани яқинлашарлар.

Кўз қисинг, кўз қисай, ўчсин бу тасвир,
Соғининг, соғинай шу сўнгги нажот.
Висол милмилаги бўлсин мусаввир,
Чоҳни бизга очун этмасин ҳаёт.

Сиз мени ростдан соғинмаяпсиз,
Нағмадир, мен эса эски бир гирён.
Қоврулиб нимага сиғинаяпман,
Энгакка санчилиб ишқ деган исён...

Дур

Сен яна алдадинг,
Иккиланмасдан,
Завқ туйдинг шекилли, туйғуларимдан.
Мен эса хўрлигим эшиб бирма-бир,
Ҳукм ўқияпман қайғуларимга...

Чиғаноқ ичида қамалган дурдай
Севгим товланади кулбачасида.
У шундай гўзалки, сабуҳий нурдай,
У шундай дилбарки, соф ва расида.

Кўрки афтодадир, хилвати маъно,
Жуда ҳам бокира, у обод ҳадсиз.
Не ҳамду санолар, не-не тасанно
Бари мурувватсиз, бари ҳиммatсиз.

Сен яна алдадинг,
Қўрқмай, беғараз,
Манзират этгандай юмдинг кўзларинг.
Маънисиз русумга қўшилдинг шу тарз,
Самовий боғларда ўчди изларинг.

Хабар

Осима —
Лайлаклар элчи юборди —
Ҳув ана мезонлар, хабар олайлик.
Паға-паға ёлқин, томчи-томчи қор
Ёғар бир ўлка бор — бора қолайлик.

Кўнгил сабосида фарёд ҳавоси,
Армонлар тўсибди тиғ бахтимизни.
Қуш йўқ работларда кимнинг сояси,
Эшитди мунграган суҳбатимизни.

Сен юлдуз париси тўфон буржида,
Мен қора туйнукда улоққан балки.
Уммондай оғриқдан синган гурзидай
Осмондай кенгликка сиғмайди шаклим.

Ўқишни билсанг гар Тақдир китобин
Билиб бер, ишқ борми ўлмасдан бурун.
Сўраб бер, севгининг манзил туробин,
Жой борми, йўл олсак иккимиз учун.

Осима —
Лайлаклар қайтдилар ортга,
Адирлар қатига яшринди баҳор.
Тинмай ёғаяпти, биз йўқ ўлкада,
Паға-паға ёмғир, томчи-томчи қор.

Лаҳза

Митти бир лаҳзага сиғсак иккимиз,
Кўксимга бош қўйсанг
Ва шивирласанг.
Бармоқлар қовушиб ёнса илгимиз,
Дудоғинг тойғонса,
Мен шивирласам.

Лаҳзани ёпсагу, қамалсак буткул,
На эшик-дераза, на майда-чуйда.
Унда мавжуд бўлсак нуқул ва нуқул,
Ел каби қалқиниб,
Таралиб куйдай...

Камида миллиард йил шавқини кўрсак,
Коинотдай
Буюк юксалсак — не суд.
Қирқ бўлиб чиқсагу
Руҳга эврилсак,
Дуд бўлиб — э-э-эй-дуд...

Ҳовли-ю кўчалар, катта йўллари,
Ғамлари, қувончу машмашалари.
Қўллари ёнида ҳурган тиллари,
Тоза-ю нотоза хархашалари...

Бўлмаган ония,
Оҳ, қандай севсак,
Оҳ, қандай титрасак,
Оҳ, қандай яна...

Юраги
Кўксимни
Ёрган
Ҳамхонам,
Лаҳзага
Қамалиб
Толган
Парвонам...
Мени деб ақлидан озган девонам...

Жавоб

Мен жуда инжиқман, жуда ҳам эркам,
Жимликни алқайман, хилватда пурғам,
Йўлиқтириб қўйсам беадад дардга,
Шунда ҳам сиз яхши дейсанми, эркам.

Коринга ярамай, чиқсам шафаққа,
Сен кутган толени топа олмасам.
Жавоб беролмасам оддий сўроққа,
Шунда ҳам сиз яхши дейсанми, эркам.

Мен шеърбоз, кўнгилга мўралагичман,
Зотан ёлғоним йўқ, соғинчларим нам.
Зиндону боғ аро оралагичман,
Наҳотки, сен учун яхшиман эркам.

Мен ердан олисда, жуда ҳам олис,
Кезган хаёлимни қўндиролмайман.
Шунча уринаман, уни ҳеч, эсиз,
Ернинг қонунига кўндиролмайман.

Мен сени хилватим ичига қўйдим,
Руҳим қувнаб борар унга қарасам.
Номингни надомат тошига ўйдим
Наҳотки, сен учун яхшиман эркам.

Эртага, инжилсанг фойдасиз туйғу,
Десанг, зарарларга яқинсиз сиз ҳам.
Ҳавасу хоҳишлар ташласа қутқу,
Мен қандай дунёда яшайман эркам.

Сен менинг жонимдан ортиқсан, гулим,
Қонимда ҳайқирган севгисан, мангу.
Эртага ўн бурда узилса тилим,
Ўн бурда садо бор, мангу у, мангу...
Наҳотки, сен учун яхшиман эркам.

Ўтов

Ўтов қур ҳажр новдаларидан
Орзу ипагидан кўтаргин дорлар
Армонни бигиз қил,
Кўкракларидан
Севгини суғурсин бу интизорлар.

Тонгларни ишқалаб қизартир. Алвон
Ситам қозонида қайнасин кунлар.
Шерларни қўрқитиб ўкиртир. Вайрон
Дилларин дафт этиб келсин бутунлар.

Ҳайрат маконидан хуморлар қайтсин,
Тикандан сарполар тарқат барига.
Чалкашиб касофат жарига қайтсин,
Йиқилсин бадкирдор қасос қаърига.

Мен ҳам кўзларимдан чеҳранг шилайин,
Ҳайдаб юборайин туйғу — даюсни.
Сен ҳақда ўйларим тилиб ташлайин,
Чавақлай ичимда кезган маюсни.
Чунки сен —
Париваш, моҳиликодек,
Ягона, бегона,
Шўҳи сабодек,
Кўнгил ғаш, дарё ашк,
Дарди худодек,
Бепарво, бенаво,
Жабри-жафодек.

Таслимман,
Ўтов қур, лахча тоғора,
Михларни улоқтир ва ўқи оят...
Бир йўла қутулай барча озордан.
Севгилим, севишдан чарчадим ғоят.
Ниҳоят...
Ниҳоят...
Воҳ, бениҳоят...

Гина

Негадир сен мени йўқламай қўйдинг,
Эс-ҳушинг қайтадан қайтди жойига.
Эрталаб, туш пайти, оқшомда тўйдинг,
Қайроқлар сайрамас қалбинг сойида.

Негадир менсиз ҳам яшашинг мумкин,
Кўзинг қирғоғида тинган ҳавасим.
Аслида кўксингни тебратган тўлқин,
Фаҳминг етармикан...
Менинг нафасим.

Сен гўё бахтлисан, топгандай нурни,
Муғамбир ошёнда юпанчинг бордай.
Шунда ҳа юзингда (очай бир сирни)
Тиламчи кўзларим сўзлари бордай.

Бешбаттар бўлмайди... бундан зиёда,
Ҳаприқиб кетаман...
Сочларинг иси —
Димоққа урилар ҳидли зиёдай,
Ёйилиб, юракка тақалиб, тўзиб...

Севгилим, сен мени йўқламай қўйдинг...

Истак

Нима-ю, нимаки юракда бўлғай,
Қабри ҳам ўша ер, эҳтирос лавҳи.
Мутлақо пок эди, покдомон ўлғай,
Қиёмат-кадарда йиғлт этган васфи.

Туфроқдан қилмасмен ҳеч қачон умид,
Ундаги ранго-ранг истаклар гирдоб.
Ончаки, ақлга изладим рақиб,
Ончаки, шаробдай туюлди азоб.

Валлоҳ, ўзи шоҳид — аралашмади,
Қалбда қалб тиландим, шу ҳол чамаси.
У озод қололди, қуралашмади,
Занжирда сақладим қолган ҳаммасин.

Нотинч маъволарда нотаниш калом,
Нурли жилваларга ва шафақ томон —
Шафақдан нариоқ ва ундан у ён —
Кўтарилинг дедим, бир бор батамом...

Чунки, зиёларга чулғанмоқ керак,
Чунки, кечмоқ керак ўздан, бавзида.
Чунки, Олам бўлиб яшамоқ керак.
Бошқа Оламларга ўтиб, бавзида.

НИГОҲ

Акциядорлик-тижорат "Пахта Банк"нинг Андижон вилоят бошқармаси жамоаси

юртимиз аҳолисини мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинган кун билан табриклайди.

Барчага сиҳат-саломатлик, узоқ умр тилайди.

Боши қолмусимиз халқимиз ҳаётида дастур вазифасини ўтаётганидан, барчанинг ҳақ-ҳуқуқлари кафолатланганидан бахтиёрмиз.



МУТОЛАА

Кўнгил дегани – чеки йўқ соғинч

Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид ижодий портретига чизгилар

Ҳақиқий шеър қалб эврилишлари натижаси ўлароқ дунёга келади. Пишиб етилган мева алал-оқибат ерга тўкилганидек, шеър кўнгил меваси сифатида қоғозга тушади. "Шоирлик – бир умр тўкилиб бориш демакдир. Сўз йўли – бутун умр тўкилиш, куз ва баргрезон йўлидирки, бунинг боғи ҳам, чорбоғи ҳам шоирнинг ўзидир", – дея ёзади шоир Сирожиддин Саййид.

Шоирнинг кейинги йилларда бир неча — "Ватан абадий", "Кўксимдаги зангорларим", "Қалдирғочларга бер айвонларингни", "Дил фасли", "Яшасин ёмғирлар" номли китоблари чоп этилди. Образли, ниҳоятда шоирона номланган бу тўпламлар билан танишган ўқувчида шоир ижоди ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил бўлади. Адабиётга ўзгача бир "садо билан, сабо билан" кириб келган Сирожиддин Саййид шеърларининг ўзига хос қирралари мавжуд. Бу ўзига хослик белгиси шоир ижодида Ватан мавзусининг алоҳида бўртиб туришидир. Туғилган ер, Она-юртга меҳрнинг миллий руҳда ифода этилишидир. Унинг «Ватан абадий» шеърида шундай мисралар бор:

Ҳар кекса, ҳар ёшнинг
заҳматларида,
Азим чинорларнинг
ҳикматларида,
Ҳазрат Яссавийнинг
хилқатларида
Ватан қолар экан,
Ватан абадий.

Ватан абадий бўлиши учун эса юртнинг эгаси бўлиши керак. Ҳар бир фуқаро Ватан манфаати учун ўзида масъуллик ҳис қилиши зарур. Юртнинг эртаси учун ниятни улуғлаб қайғуриши даркор.

Умр гоҳи ширин,
гоҳи талх бўлғай,
Улуғ ниятларга
Аллоҳ ҳам ёрдир:
Эгаси бор юртнинг
эли халқ бўлғай,
Эгаси бор юртнинг —
эртаси бордир.

"Ватан ёди", "Бағишлов", "Илинж", "Ватан надир", "Ватан озода бўлсин", "Ватанни ўрганиш", "Ватан десам..." каби шеърларда "айвонлари нурга талош, кайвониси ою қуёш" бўлган юртга ўтли муҳаббат балқиб турибди. Шоир Ватанни қоғоздаги харитадан ўрганмайди. У Ватанни ҳар бир гиёҳи-ю чинорларидан, сўқмоғи-ю тоғларидан, бешикда эшитган алласи-ю улуғ боболарнинг ҳикматларидан ўрганади. Қайнар булоқлардан ичган зилол сувлари ила, чўпонларнинг найларидан таралган оҳанглари ила шуурига Ватан тимсоли сингиб кетади. Шундай бўлмагандайди, шоир қалбидан ВАТАН ҳақида ёниқ сатрлар шеър бўлиб қуйилмасди. Шу меҳрини шоир "шеърим гулхан бўлиб кирсин уйингизга", — дея тафтли сатрларга сингдириб, ватандошлар юрагида юрт ишқи гулхани янада гуриллашини истайди. Бу руҳ шоирнинг бармоқ вазнида ёзган шеърларидагина эмас, арузда ёзган ғазалларида ҳам устувордир. Одатда ғазалларда кўпроқ муҳаббат ва ҳижрон мотивлари куйланади.

Шу ўринда Сирожиддин Саййиднинг ғазал жанрида ҳам муваффақиятли қалам тебратаётганини алоҳида таъкидлаш шарт. Чунки ҳозирги шеъриятимизда бу борада ўзини кўрсатаётганлар кўпчилик эмас. Сирожиддин Саййид ҳазрат Алишер Навоий, Бобур, Фурқат, Термизий ғазалларига мухаммаслар боғлаш билан қаламини чархлаб, яхши ғазаллар битаётир. Ғазалнавислик ҳам шоир ижодининг яна бир қирраси десак, муболаға бўлмайди.

Мен ишқ элининг
нолаю афғонида куйдим.
Кўнгил уйининг оташи
армонида куйдим....

Ёки:

Не эрур гулшан аро
сарву санобар ҳам суман?
Ҳеч бири хуш қоматинг,
гулгун танингдек бўлмагай...

каби байтлари шоирнинг мумтоз адабиётимиз анъаналарини, шеърий санъатларни яхши ўрганганлигини кўрсатади.

Сирожиддин Саййид ижодининг ўзига хос жиҳати фалсафийликка мойиллигидир. Бу унинг тўртликларида ёрқин акс этган.

Дунёга келдингу
кетгайсан қачон?
Эзгулик нақшини
битгайсан қачон?
Неки бор, етишдинг
елиб-югуриб,
Эй инсон, ўзингга
етгайсан қачон?

Ўзликни англаш инсон учун ҳар нарсадан муҳимлиги, шу йўлда заҳмат чекишга ишора бу шеър.

Муаллиф ўзи тўртликлари ҳақида шундай ёзади: "Кўнгилга томон менинг яна бир чоғланишимдир. Ёзилмаган катта шеърларимнинг парчаларидир балки булар, балки кунларим, тунларимнинг бўлакларидир. Билмайман. Нима бўлганда ҳам бошимдан, кўнглимдан кечирдим шуларни". Дарҳақиқат, шоир шеърларида кўнгил тимсолига алоҳида бадиий юк ортади. "Энг аввал супиргил кўнгил уйини" — деб, аввало ҳар бир инсон ўзини поклаши зарурлигини уқтиради. Гоҳ "Мен кўнгил дунёсининг доғидаман, ҳар кўнгилнинг доғи сўроғидаман" — деса, гоҳ:

Кўнгил бу – кўнгилдан
юлиш демакдир,
Юлиб яна унда қолиш
демакдир.
Кўнгил дегани бу –
чеки йўқ соғинч,
Бир умр севиниш,
нолиш демакдир.

Шундай сатрлар ила кўнгил товланишларини қарма-қарши қутблардан туриб тасвирлайди. Шоир борки, севги, муҳаббат ҳақида ёзади. Сирожиддин Саййид лирикасининг асосини кенг маънода муҳаббат мавзуси ҳам ташкил қилади.

Сени олиб кетсам
туманзорларга,
Туманзорлар ичра
суманзорларга..
Етти газ тумандан
чодир тиксам сўнг,
Сумандан бир ажиб
сўри йиғсам сўнг.
Ойни қулоғига сирға
айласам,
Ҳар неки айласам бирга
айласам.
Кўйлак туҳфа қилсам
ҳарир еллардан
Кўзгулар ўрнатсам
тоза кўллардан.

Ошиқ орзуларининг нафис тасвири ўқувчи руҳини аллалагандек кўнглига сурур бағишлайди. "Настарин севги", "Севишганлар ғазали", "Севги", "Муҳаббатли бу оқшомлар" сингари шеърларида ва кўпгина ғазалларида бу инжа туйғунинг нафосати кўнгилларга таъсир қиларли даражада ифодаланган. Муҳаббатни хор қилмасдан, уни бир умр "кўксингизда олиб ўтинг", "марвариддай асраб юринг" деган лирик қаҳрамон китобхон дилдошига айланиб қолади.

Сирожиддин Саййиднинг болаларга бағишланган шеърлари ҳам анчагина. Болаларга шеър ёзишнинг ўз мураккабликлари бор. Бола дунёсига кириш, уларнинг руҳий ҳолатини тушуниш, болаларга мос тарзда фикрни ифодалаш, улар тилидан сўзлашнинг ўзи бўлмайди. Унинг болаларга бағишланган "Дунёдаги энг малоқ одам" туркумида болалар бопи шеърлар кўп.

Шоирнинг "Яшасин ёмғирлар" китобидан ўрин олган мақолалар, бадиалар, хотира ва суҳбатлар ижодкорнинг адабиёт ҳақида пухта назарий билимга эгалигини, насрда ҳам қалами ўткирлашаётганини кўрсатади. Шеър "Ассалому алайкум" сўзи сингари ёруғ, "Дунё" сўзи мисоли бепоён, "Хайр" сўзи янглиғ нигорон, "Алвидо" сўзи каби интизор ва тушунарли бўлмоғи керак". Бу сўзларни шеърга берилган энг яхши таърифлардан деб атаса бўлади.

Сирожиддин Саййид шеърлари гоҳ болалик хотираларингизни эсга солиб бир энтиктирса, гоҳ ўсмирликдаги ҳисларингизни уйғотгандек бўлади. Халқона йўлда ёзганлари дилингизни жўштирса, Ватан ҳақида, она ҳақида ёзганлари юртга меҳрингизни орттириб, "онанинг калишлари" ҳам кўзга суртар даражада табарруклигини туйдиради. Муҳими, сизни бефарқ қолдирмайди. Шоирнинг ҳаётдан эрта кетган дўстлари Шавкат Раҳмон, Муҳаммад Юсуфга бағишлаган шеърларини ҳам шунчаки ўқиёлмайсиз, изтиробнинг эзгин тасвири дейиш мумкин бўлган бу шеърлар сизни оғир хаёллар гирдобига тортади.

Зотан яхши шеърга шарҳнинг кераги йўқ. Сирожиддин Саййид ижоди хусусида сўз кетганда, таржимонлик фаолиятини ҳам алоҳида кўрсатиш даркор. Имом Газзолий, Абу Абдулло Рудакий, Ҳофиз Шерозий, Жалолиддин Румий, Андрей Вознесенский, Лойиқ Шерали ижодидан қилинган таржималари унинг бу соҳадаги маҳоратидан далолатдир. Устоз шоиримиз Абдулла Орипов: "Улуғ халқим, буюк устозларим, кўз-кўз қилишга арзигулик софдил шогирд укаларим бор. Шоён шеъриятимизда эса ана шундай ифтихорларимиздан бири, шубҳасиз, Сирожиддин Саййиддир!" — дея ёзганда нақадар ҳақлигини Сирожиддин Саййиднинг бугунги ижоди кўрсатиб турибди.

Мен "шеъриятни абадий ранжу озор йўлимсан", "илоҳийсан" деб билган, шеърларини "қалдирғочнинг оҳига, майсадек синглисининг шабнам нигоҳига" қиёслаган Сирожиддин Саййид ижодини яхши ниятлар билан табиатнинг гўзал безаги камалакка қиёслагим келади. Шоирнинг сўз йўли ҳамиша чароғон бўлиши, келажакда ундан ҳали янада кўплаб бадиий юксак асарлар кутиб қоламиз.

Адҳамбек АЛИМБЕКОВ,
Ўзбекистон Миллий университети доценти.

ФУТБОЛ ШАРҲИ

"Сиз ўша Роналдоми?"

Мен "Ўткан кунлар" ҳақида бирор нарса ёзолмайман. Ёки мавзу бершиса, бир зумда қофиясини келиштириб, қўшиқ қилиб айтса бўладиган шеър ҳам битолмайман. Аммо дунёдаги энг жозибали спорт тури бўлган футбол ҳақида ноанъанавий усулдан бориб, ҳаяжонли сўзларни маржондек териб, нимадир ёзгим келади.

Тўғрисини айтсам, шу пайтгача мақсадимга бир марта ҳам эришолганим йўқ. Бу галгисини ҳам навбатдаги уринишларимдан бири десам бўлади. Агар яна ўхшамаган бўлса, узр.

Абдулла Қодирийнинг ўша машҳур романини ўқиган ёки киносини кўрган бўлсангиз, биласиз сарлавҳадагига ўхшаш "Сиз ўшами?" сўзи бош қаҳрамонлардан бири – Кумушбиби тилида янграйди.

Хўш, футболчилар-чи? Улар ҳам бу сўзни айтармикан? Менимча айтади! Айтгандаям бир дунё қувонч билан, умид билан айтади. Бу ҳол турфа хил вазиятларда содир бўлади. Яхшиси, шу ҳақда гаплашайлик.

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, нима учун Бразилияда истеъдодли футболчилар кўп? Улар қандай қилиб бу муваффақиятга эришди? Шуниси аниқки, энди уларни ҳеч ким ҳалибери бу чўққидан тушира олмаса керак. Чунки бугун жаҳонда бразилиялик футболчи ёки бразилиялик мураббийсиз ўтаётган миллий чемпионатни топишнинг ўзи амримаҳол. Шундай экан, уларнинг дунё футболида ўз ўрни бор, десак муболаға бўлмайди.

Бугун футбол эталони дея эътироф этилаётган Европада ҳам етакчилар асосан Бразилиядан. Ўша етакчилар бир кунмас бир кун, албатта, ўз юртига қайтиб боради. Туғилиб ўсган масканида эса уларни жажжи болакайлар ўраб олишади ва ўз тилларида "сиз ўшами?" деб савол беришади.

–Сиз ўша финалда иккита гол урган Роналдоми?

–Сиз ўша "Милан"да ўйнаган Каками?

–Сиз ўша "Валенсия"га "қайчи" услубида тўп киритган Ривалдоми?

–Менга ҳам тўп тепишни ўргатинг.

–Мен ҳам сочимни сизга ўхшаб олдирдим, қаранг.

Бу сўзларни эшитган футбол юлдузи албатта ўзида йўқ хурсанд бўлади, ғурурланади. Билганини эринмай, оғринмай, ўзгача завқ билан болаларга ўргатади. Чунки ўзи ҳам бир вақтлар уларга ўхшаб кимларгадир тақлид қилган, кимгадир ўхшашни орзу қилган-да! Натижада бир-биридан қудратли футбол афсунгарлари қайтадан туғилган.

Энди ўзимизнинг футболдаги аҳволга тўхталсак. Келаси йил "Пахтакор" жамоасининг авиаҳалокатга учрағанига 30 йил тўлади. Салкам бир инсон умрининг ярми. Ҳануз ўша машъум кунни эсласак, юрагимиз оғриқлардан изтироб чекади. Сабаби биз ўшанда нафақат "Пахтакор" жамоасининг асосий таркибидан, балки бугунги куннинг малакали мутахассисларидан ҳам жудо бўлганмиз.

Агар ўша машъум ҳалокат содир бўлмаганда эди, ўзбек футболи ҳозиргидан кўра анча юқорироқ мавқега эришган бўларди. Начора, тақдир экан. Аммо беадад шукрлар бўлсинким, юртимиз иқтидорларга бой. Шу кунгача биздан ҳам жуда кўплаб маҳоратли футболчилар етишиб чиқди. Уларнинг аксарияти хориж клубларида тўп суришмоқда. Кўпчиликка маълумки, 2000 йилги Осиё кубоги ва 2002 йилги жаҳон чемпионатининг саралаш босқичи баҳсларида миллий терма жамоамизнинг асосий таркиби легионерлардан иборат эди. Бугун ўша футболчиларнинг кўпчилиги юртимизга қайтди. Ишонинг, уларнинг ҳеч бири "қуруқ қўл" билан қайтмаган. Муайян билим, тажриба барчасида етарли. Демак, уларнинг келажакда яхши мутахассис бўлиб етишишига умид қилсак, бўлади.

Мен яқинда ҳамюртларимиздан Россия чемпионлигини қўлга киритган Андрей Фёдоровнинг ҳам, Украина осмонида ёрқин юлдуз бўлиб порлаган Максим Шацкихнинг ҳам қачондир Ватанимизга қайтишига ишонаман. Уларнинг узоқ сафардан кейинги қиладиган биринчи иши – ёш футболчиларга ниманидир ўргатиш, ўзимизда дунёга машҳур юлдузларни тарбиялашда кўмаклашиши шубҳасиз.

Ана шунда Шацких уролмаган голларни унинг ёш шогирдлари киритади. Фёдоров қайтаролмаган зарбаларни бугун футболга энди кириб келаётган болалар қайтаради. Унда, ҳаммаси зўр экан-да, дейишга шошилманг.

Афсуски, яқин 3-4 йил ичида биздан жуда кам легионерлар етишиб чиқди. Бунинг ўзига хос сабаблари бор эди, менимча. Миллий терма жамоамиз Жаҳон чемпионатига чиқиш учун уч марта уриниб кўрди-ю, лекин ҳар сафар муваффақиятсизликка учради. Олимпиадачиларимиз ҳам ҳали бирор марта мусобақанинг финал қисмига чиқа олишмади. Ўсмирлар терма жамоаси ҳам "ака"ларидан қолишмади.



Халқаро майдонда бизнинг ёш футболчиларни ҳеч ким танимайди, танимагандан кейин жамоасига чақирмайди ҳам. Хориждаги етакчи клубларда бирор юртдошимиз тўп сурмагандан кейин яхшироқ натижага ҳам эришолмаймиз. Демак ҳаммаси бир-бирига чамбарчас боғлиқ.

Шундай вазиятда "Пахтакор" ва "Бунёдкор" жамоалари амалга оширган трансферлар ўзбек футболининг жонига оро кирди. Тўғри, аввал ҳам миллий чемпионатимизда легионер футболчилар тўп суришарди. Аммо уларнинг маҳорати ўзимизнинг футболчиларникидан унчалик ҳам юқори эмасди. Бу эса бизга деярли ҳеч нарса бермасди. Ривалдонинг ташрифи эса футбол соҳасида янги даврни бошлаб берди. "Бунёдкор" иштирокидаги ҳар бир ўйинга ишонабинлар оқиб келишади. "Пахтакор" ва "Бунёдкор" жамоаларидаги бошқа легионерлар ҳам футболимизга нимадир бериши шубҳасиз. Чунки улар маҳорат бобида маҳаллий футболчилардан ҳар томонлама устунроқ.

"Бунёдкор" клубининг ташаббуси билан "Евро-2008"да муваффақият қозонган Испания миллий терма жамоасининг бир нечта аъзолари юртимизга ташриф буюрди. Меҳмонлардан бири – Сеск Фабрегас 2003 йили БААда ўтказилган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоасининг ажойиб ўйин кўрсатганини таъкидлади.

Баъзилар миллий терма жамоамиз бу сафар жаҳон чемпионатига бир амаллаб чиққанидан фойда йўқ, йирик ҳисобдаги мағлубиятга учрагандан кўра, яхшироқ тайёргарлик кўриб чиққани маъқул, деган фикрларни айтишаяпти. Менимча, бу мутлақо нотўғри фикр. Агар бу сафар ҳам жаҳон чемпионатига чиқа олмасак, футболчиларимизнинг ўзларига таниш орттириши яна тўрт йилга кечикади. Бу вақтда рақибларимиз биздан анча ўзиб кетишлари тайин.

Яқинда Саудия Арабистонида ўтказилган ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионатида вакилларимиз ажойиб ўйин кўрсатишди ва мусобақанинг финалига қадар етиб боришди. Энг муҳими жаҳон чемпионати йўлланмаси қўлга киритилди. Келаси мавсумдан бошлаб мамлакатимиз шарафини ҳимоя қиладиган бу йигитларни Европа клубларида кўриб қолсак, ажабмас.

Куни кеча яна бир хушхабар тарқалди. Осиё футбол конфедерацияси томонидан ўтказилган сўровга мувофиқ "Бунёдкор" (Тошкент) ва Ўзбекистон миллий терма жамоасининг ярим ҳимоячиси Сервер Жепаров Осиёнинг 2008 йилдаги "Энг яхши футболчиси", Равшан Эрматов эса "Энг яхши ҳаками" деб топилди.

Худо хоҳласа, миллий терма жамоамиз ҳам 2010 йилда ўтказиладиган жаҳон чемпионатига чиққанда, Испания миллий терма жамоаси билан ҳам куч синашар? Ният қилайлик, футболчиларимиз бир-бирларини ўйин арафасида табриклашаётганда, Фабрегас Гейнрихга қараб бир сўз айтади:

"Э, сиз ўшами?".

Элбек ЖУМАНОВ,
"Hurriyat" мухбири.

ЭЗГУ НИЯТЛАР



UTG "ЎЗТРАНСГАЗ"

акциядорлик компанияси жамоаси

ватандошларимизни 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллиги билан ҳамда яқинлашиб келаётган Қурбон ҳайити байрами билан чин қалбдан табриклайди. Юртимиз осмони ҳамиша тусаффо бўлсин.







Энг ёруғ ва эзгу ниятларимиз амалга ошаверсин!



"ЎЗВИНОСАНОАТ-ХОЛДИНГ"

компанияси жамоаси

умумхалқ байрам — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигига 16 йил тўлиши муносабати билан барча ватандошларимизни қутлайди. Демократик-ҳуқуқий жамият барпо этиш йўлидаги қутлуғ қадамлар ўз самарасини намоён этмоқда.

Ватанимиз дунёда тенглар ичра тенг, халқимизнинг бугуни қутлуғ, эртаси янада нурли ва фаровон бўлсин!

МАДАНИЯТ ВА СПОРТ

АЙТГАНЧА

Фарзандингизга эртак айтинг

"Қадим замонларда бир подшо бўлган экан". Бу жумла одатда эртаклар ибтидосидан жой эгаллайди. Уларнинг асосий қаҳрамони эса халқдир. Тилимиздаги айрим иборалар, сўзларнинг келиб чиқиши ҳам эртакдаги сўзларга ўхшаб кетади. Масалан, "Даққи Юнус", "Даққи Юнусдан қолган" деган иборалар халқимиз орасида кенг тарқалганидан хабардормиз. Хусусан, шу ҳақда "Гор кишилари" деган афсона бор.

Айтишларича, қадимда Дақёнус деган подшо бўлган экан. Унинг ғазабидан қўрққан саккиз киши ғорга яшириниб, уйқуга кетишибди. Уйғонганларидан сўнг улардан бири — Ямлиҳо деган йигит бозорга нон сотиб олиш учун борибди. Лекин новвой у берган пулни қайтарибди. Йигит унга нон бермаётган бу кишининг мақсадини тушунолмабди. Уларнинг тили бошқабошқа экан. Ямлиҳо пулни тутқазиб нон олишга тиришибди, новвой эса фикрини йигитга тушунтиролмай хуноби ошибди. Шунда одамлар орасидан бири Ямлиҳонинг тилини тушуниб, "Бу Дақёнусдан қолган пул энди ўтмайди", — дея новвой айтган гапларни таржима қилибди. Гап шундаки, орадан уч юз йил ўтган бўлиб, улар ғорда шунча вақт ухлашган эканда.

Халқимизда "Дақёнусдан қолган" деган ибора ҳозир ҳам эскириб қолган нарса ёхуд буюмга нисбатан қўлланилади.

Осмон жисмлари ҳақидаги ривоятлар ҳам бир-биридан қизиқ бўлиб, улар ҳақида момоларимиз ҳатто айрим тенгдошларимиз ҳам сўзлаб беришади.

— Нега қуёш кундуз куни порлайди-ю ой тунда юлдузлар билан чиқади? — деган саволлар тинч қўймасди болалигимда. Менинг чеки йўқ саволларимдан чарчамайдиган бувим бу ҳақда сўзлаб берганлар. Кунларнинг бирида қуёш энди ботай деб турган пайтда ойнинг жамолини кўриб қолади. Улар бир-бирига кўнгил бериб, турмуш қуришади. Йиллар ўтиб ширин-шакар юлдузчалар туғилади. Аммо бир куни ой ва қуёш уришиб қолишади-ю ой аразлаб тунга кетади. Юлдузлар эса "Онамиз билан кетамиз" деб ойга эргашади. Шунинг учун ҳам юлдуз учганда "Қуёш битта боласини тортиб олди" дейишади момоларимиз.

Юздуз учиши ҳақида халқимизда бошқа хил ривоятлар ҳам бор, албатта. Афсоналар тарихий маълумотларга асосланмаса-да, жуда қизиқ ва содда тил бойлигига эгадир. Аммо бугунги болалар бу ҳақда тушунчага эгами? Фарзандингизга бирор марта эртак айтиб берганингизни эслай оласизми? Болангиз учун шахсий компьютер совға қилаётгандирсиз, чет тилларни ўрганиши учун имконият яратаётгандирсиз, "бировдан кам бўлмасин" деб уяли телефон олиб беришни ҳам ўйлаб қўйгандирсиз, лекин... Ўғлингизнинг инсоний ҳиссиётларни англай олмайдиган "темир одам"га айланиб қолишидан қўрқмайсизми? Қизларнинг кийинишу муомала борасида Ғарбга кўр-кўрона тақлид қилишаётганини салбий баҳолаймизу уларга ёшлигида ўзбек аёлининг ҳаёсини улуғловчи таъсирли ривоятлар айтиб, болалигиданоқ тарбиялаш мумкинлиги ҳақида ҳеч ўйлаганмисиз?

Фикримча, фарзандининг порлоқ келажагидан умид қилаётган ҳар бир ота-она бу ҳақда теран мушоҳада юритиб кўриши керак. Зотан афсонаю ривоятлар, эртакларнинг комил инсон тарбиясидаги аҳамияти катталиги шубҳасиз.

Негаки, мутахассисларнинг фикрича, инсон 7 ёшгача бўлган даврда олган маълумотларини, шаклланиш ахборотларини ҳаётининг кейинги 70 йилида ҳам олиши қийин экан. Демак, фарзандларимизнинг билимли, зукко ва инсоний фазилатларга эга бўлиб вояга етишида уларга ёшлигидан қандай тарбия беришимизга, хусусан, эртаклар сўзлаб, адабиётга, халқ оғзаки ижодига ошно этишимизга ҳам боғлиқ.

Моҳигул АБДУЛЛАЕВА

ТАФАККУР

Ҳазрат Сулаймон

(Тахминан милоддан аввалги 960-935 йилларда ҳукмронлик қилган)

У Ҳазрат Довуднинг ўғли. Иудея ва Исроил давлатида ҳукмронлик қилган. Қуддус шаҳрида Яхва ибодатхонасини қурдирган. Замондошлари Сулаймоннинг донолигидан завқланишган. У ўзининг ўткир ақли ва ғайриодатий фикрлаш тарзи билан шуҳрат қозонган.

* * *

Ривоятларда айтилишича, Ҳазрат Сулаймоннинг: "Бу дунёдаги ҳамма нарса ўткинчи", — деган сўзлар ўйиб ёзилган узуги бўлган. Сулаймон ҳаётининг қайғули онларида узукдаги ана шу ҳикматли битикни ўқиб, таскин топган.

Бир куни унинг бошига шундай бахтсизлик тушадики, узукдаги сўзлар дардига малҳам бўлолмайди. Сулаймон ғазаб билан узукни ечиб, отиб юборади ва думалаб бораётган узукнинг ички томонида ҳам аллақандай битик борлигига ногаҳон кўзи тушади. Ўрнидан туриб, узукни қўлига олади-да, битикни ўқийди. Узукнинг ички томонида: "Бу ҳам ўтиб кетади", — деган ёзувлар бор эди. Сулаймон аччиқ кулимсираб, узукни бармоғига тақади ва умрининг охиригача уни ечмайди.

* * *

Авлодлар келиб-кетаверадилар, Ер эса абадий қолаверади.

* * *

Донолик ортганда қайғу ортади, билимнинг кўпайиши эса ғамгинликни кўпайтиради.

* * *

Баъзан кулганда ҳам юраклар зирқирайди, қувонч эса қайғу билан якун топади.

* * *

Мен довюракликдан кўра донишмандлик афзал деган ўйда эдим. Аммо камбағалнинг донолигидан нафратланишар ва унинг сўзларини тингламас эканлар.

* * *

Эртанги кун билан мақтанма, чунки у нималарни тақдим этишини билмайсан.

* * *

Ақлли одам кулфатни олдиндан кўради ва ўзини панага олади. Тажрибасизлар эса олға юриб жазоланадилар.

"96 МУМТОЗ ФАЙЛАСУФ" китобидан.

СПОРТ

ЭРКИНОВНИНГ БИРИНЧИ ГОЛИ

2008 йилги футбол мавсумининг иккинчи ярмидан бошлаб ижара асосида Жиззахнинг "Суғдиёна" футбол жамоасида тўп сурган Шаҳбоз Эркинов яқинда Эроннинг "Пас" клуби билан шартнома имзолаганди. У дам олиш кунларида ўтказилган Эрон миллий чемпионатининг навбатдаги турида асосий таркибда майдонга тушиб, ўзининг биринчи ўйинини ўтказди ва рақиб дарвозасига гол киритди. Шаҳбоз Эркинов маҳаллий "Пейкан" футбол клубига қарши кечган учрашувнинг еттинчи дақиқасидаёқ ҳисобни очишга эришган.

МУХЛИСЛАР КАМАЙИБ БОРМОҚДА

Англиянинг Daily Telegraph газетаси ўтказган тадқиқотларга кўра, Англия чемпионати футбол учрашувларига келадиган мухлислар сони ўтган мавсумдагига нисбатан сезиларли даражада камайган. Ҳозир ўрта ҳисобда премьерлиганинг бир учрашувини бевосита кузатиш учун стадионга 35165 томошабин келмоқда. Бу ўтган йилги кўрсаткичдан 920 тага кам деганидир. Энг кўп мухлис "йўқотиш" «Ньюкасл» ва «Сандерленд» клубларида кузатилган.

Яна бир гап. Жаҳон молиявий инқирози сабаб «Манчестер Юнайтед» футбол жамоаси ўзининг 76180 киши учун мўлжалланган «Олд Траффорд» стадионини мавсум бошидан бери тўлдира олмаяпти.

ЖО КАЛЬЗАГЕГА ОРДЕН БЕРИЛДИ



Иккинчи ўрта оғир вазнда жаҳоннинг собиқ чемпиони ҳисобланган ва The Ring журнали сўровномасида сайёрамизнинг энг кучли боксчиси деб топилган Жо Кальзаге 26 ноябрь куни қиролича Елизавета II қўлидан Британия империяси командори орденини қабул қилиб олди. Бу унвонни чарм қўлқоп устасига берилишининг асосий сабаби, Жо Кальзагенинг Уэльсда турли хайрия тадбирлари уюштириш орқали мамлакатда спортни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси бўлди, десак хато қилмаган бўламиз.

Мазкур орден Буюк Британияда энг олий унвонлардан бири бўлиб, у беш даражага эга. Жо Кальзаге 2003 йилда ушбу унвоннинг бешинчи даражасига муносиб кўрилганди. Бу гал эса у учинчи даражали унвонга лойиқ топилди.

ЖАНГ ТУРКИЯДА ЎТКАЗИЛИШИ МУМКИН

Украиналик боксчи Виталий Кличконинг кутилаётган рақиби кубалик Хуан Карлос Гомеснинг промоутери Ахмет Онернинг маълум қилишича, спортчилар ўртасидаги жанг Туркияда бўлиб ўтиши мумкин. Чунки Туркиянинг машҳур телекомпанияси ва катта пулга эга бўлган инвесторлар жангни Истамбулда ўтказиш таклифи билан чиққан. Ҳозирча эса телекомпания ва инвесторларининг номлари сир тутилмоқда.

ШАРАПОВА ЯНГИ ИШ ТОПДИ



Жаҳонда собиқ биринчи ракеткачи ҳисобланган россиялик Мария Шарапова эндиликда ESPN The Magazine мода журналининг эксперти сифатида фаолият олиб боради. Янги иш жойида теннисчи спортчиларнинг қандай кийинишини муҳокама қилиш билан бирга уларнинг замонавий кийим-бошларига қараб рейтинг жадвалини тузишда ҳам қатнашади.

Эслатиб ўтамиз, йигирма бир ёшли Мария Шараповага яқинда дунёдаги энг замонавий теннисчи совғини топширилганди.

Азим РЎЗИЕВ тайёрлади.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси уюшма аъзоси Муртазо Султоновга акаси Саиданвар СУЛТОНОВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ҚУЛАЙЛИК

Электрон почтада ҳисобот олинади

Бугунги кунда ҳар бир соҳада содир бўлаётгани каби солиқ тўловчилар учун ҳам янги-янги қулайликлар яратилмоқда. Айни шу мақсадда Бектемир туман Давлат солиқ инспекциясида Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 29 июлда рўйхатдан ўтказилган "Давлат солиқ хизмати органлари тадбиркорлик субъектларидан молиявий ҳисоботлар, солиқлар, мажбурий тўловлар ва даромадлар тўғрисидаги декларациялар бўйича ҳисоб-китоблар, ёзма аризалар ва билдиришномаларни қабул қилиб олиш ҳамда рўйхатдан ўтказиш тўғрисида"ги низомга кўра, "Ҳисоботларни қабул қилиш операцион зали" ташкил этилган. Бу ерда инспекция ходимлари томонидан мунтазам равишда солиқ тўловчиларга солиқ қонунчилиги борасида тушунтиришлар бериб борилади.

Қолаверса, залнинг меъёрий ҳужжатлар, солиқ тизимидаги янгиликларни ёритувчи информацион ахборот стендлари билан жиҳозланганлиги фуқароларнинг солиқ тўлаш ва ҳисоботларни етказиш бўйича мавжуд бўлган усуллардан ҳам хабардор бўлишлари учун имконият яратмоқда. Шуни алоҳида айтиш мумкинки, ҳисоботлар солиқ тўловчилар томонидан қуйидаги усуллар орқали тақдим этилиши мумкин: махсус ажратилган хоналарда, почта алоқаси ва электрон ҳужжат айланиши орқали.

Ҳисобот топширувчилар айни шу усуллардан фойдаланишмоқда. 2008 йилнинг ўтган 9 ойи якуни бўйича фаолият юритаётган 654 та корхонадан 629 таси ҳисоботини тақдим этган бўлса, шундан 540 таси электрон почта орқали жўнатилган. Атиги иккита корхона эса почта алоқасидан фойдаланган. Кўриниб турганидек, ҳисоботларни электрон кўринишда юбориш ва қабул қилиш ҳар томонлама қулай ва тезкордир.

Зарифа УСМОНОВА,
Бектемир туман ДСИ
"Солиқ тўловчилар ҳисоботларини қабул қилиш ва таҳлил этиш" шўъбаси бошлиғи.



"POST TRADE" шўъба корхонаси пул ўтказиш йўли билан арзон нархларда Қирғизистон Республикаси "Майлуу-Суу электролампа заводи" ОАЖда ишлаб чиқарилган вольфрамли қуввати **100 W** ва **150 W** бўлган, уй-рўзғор ва маиший мақсадларда фойдаланиш учун электр чўғланма лампалари сотувини эълон қилади.

Маҳсулот нархи: донаси 550 – 600 сўм.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, А.Толстой кўчаси, 1-уй.

Мўлжал: Бошпочтамт биноси, 3-қават, 315-хона.

Телефонлар: (8-371) 233-79-98, 754-73-15, 324-81-81.

Товарнинг мувофиқлик сертификати мавжуд.

"POST TRADE"

БАДИА

Ҳар томчида исминг жарангги

Ташқарида шаррос ёмғир ёғаяпти... Машинани арчазор хиёбонаро бир четга олиб, кумуш томчиларни мароқ билан кузатаман. Кутилмаганда ўша қадрдон талабалар ётоқхонаси кўз ўнгимда гавдаланади. Шунда, беихтиёр сен ёдимга тушасан Умида.

Эсингдами, сен билан ёмғирли кунларнинг бирида танишгандик. Туғилган кунингга таклиф этганингда сенга «Яна баҳор қайтармикин» қўшиғини хиргойи қилиб бергандим. Сен эса ҳар доим мана шу қўшиқни айтиб беришимни хоҳлардинг. Ўшанда ҳаётимда илк бор сени севиб қолгандим. Дорилфунунни битиргач, сенга қалбимдаги севгимни изҳор этиб, аҳду паймон қилмоқчи эдим. Аммо менда мол-дунё йўқлигини яхши билардинг. Сен эса ҳар томонлама тўкис йигитни орзу қилардинг. Ўшандайини топиб турмушга ҳам чиқдинг. Яхши қилдинг. Мен эса юрагимда сенга ҳайкал қургандим. Ўзинг бузиб ташладинг уни. Начора, тақдир экан. Одамни танлаб севиб бўлмайди. Ўшанда сен баҳор бўлиб киргандинг қалбимга. Баҳоримни ҳам бирга олиб кетдинг. Энди ҳар томчида исминг жарангги. Лекин ўша баҳор яна қайтармикин? Шоир айтгандай:

Ёз ҳам келар,
Куз келар майин.
Кета бошлар яна ёшлигим.
Ёмғир ёғар майин-майин
Кета бошлар яна ёшлигим...

Орадан шунча йиллар ўтиб кетди. Қара, Умида ушбу талабалар ётоқхонаси ёнида яна сени эсладим...

Сен-чи?

Анвар ИНОҚОВ

РАССОМ ХАНДАСИ

Ҳусан СОДИҚОВ чизган сурат.

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. *ISSN* 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир: Абдурасул ЖУМАҚУЛ

Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳосил КАРИМОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририятга юборилган хат ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилади.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефонлар: 236-53-92, 236-53-31, 236-23-13, 236-53-38, 236-75-15
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-56-38 **Тел-факс:** 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон — 8-361-505-98-11
Бухоро — 8-365-715-30-57
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Сирдарё — 8-367-374-81-53
Сурхондарё — 8-376-335-10-22
Фарғона — 8-373-225-80-58
Хоразм — 8-362-226-20-80

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Азим РЎЗИЕВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 22.00

® — тижорат белгиси.

Буюртма — Г-1154 Адади: 5002 2 3 4 5 6 7 8